



36-37  
(1458-1459) sonlar  
1-oktabr  
2020

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqqan boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

### ПРЕЗИДЕНТ ЎҚИТУВЧИ ВА ЗИЁЛИЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври,  
яъни учинчи Ренессанс  
пойдеворини яратиш асосий мақсад  
қилиб белгиланди **2-бет**

### КҮН МАВЗУСИ

Мобил қурилмалар IMEI-кодларини  
рўйхатга олиш масаласи: факт,  
рақам ва мулоҳазалар **4-5-бетлар**

### mGovAward

Открыто голосование за  
лучшее мобильное приложение  
mGovAward **8-бет**

### КОРОНАВИРУС БИЗ БИЛАН ҚОЛАДИМИ?

Профессор Нурмат Отабеков билан  
суҳбат **12-13-бетлар**

### "СУПЕР 30"ГА ТАТЙИДИГАН ВОҚЕАЛАР

ёхуд ўзбек Хожимуродлари ҳақида  
ҳам филм ишланса арзийди **14-бет**

### ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИ:

Жанлар жиддий тус олмақда  
**18-бет**

### ЭШИТМАДИМ ДЕМАНЛАР

1 октябрдан қандай ўзгаришлар  
кутилмоқда **20-бет**

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кун

## ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ БОҒИНИНГ ЧАРОҒБОНЛАРИ

Ўқитувчилик – сеҳрли касб. Улар дунёга оламни янгилайдиган Эйнштейнни, самолёт ясовчиларини, уйнинг янги дизайнларини яратадиган архитекторларни, Леонардо да Винчидек рассомларни, Шопендек, Бетховендек илоҳий мусиқачиларни етказиб беради. Уларнинг қалбида эзгулик бор. Шу боис инсонийлик сабоқларини илк дафъа улардан оламиз. Кўлларида ушлаган ҳаёт аталмиш машъала эса умр бўйи йўлларида юлдуздек ёритиб туради.



Пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги 144-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Маширабхон УМАРОВАга "Шухрат" медали бежиз берилмаган. Уз касбининг фидойиси бўлган бу устоз таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, иш тажрибаларини оммалаштириш, ўқувчиларни фанларга қизиқтириш, шунингдек, иқтидорли ва изланувчан ўқувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг ижодий фаолликларини кучайтириш борасида мунтазам изланишда.

## ОНЛАЙН ИМТИХОНЛАР

### Муҳаммад ал-Хоразмий мактабида онлайн имтиҳон: билимли ва иқтидорли ўқувчилар танлаб олинади

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабда 2020/2021 ўқув йили учун 5-9-синфларга ўқувчилар қабул қилиш учун онлайн имтиҳонлар ўтказилди.

Дастлаб, 26 сентябр кун 6-синф ўқувчилари имтиҳонларни топширган бўлса, 7-синф ўқувчилари 27 сентябр кун, 8-синф ўқувчилари 28 сентябр кун ва 9-синф ўқувчилари 29 сентябр кун онлайн имтиҳонларда иштирок этдилар.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари мактабига республикамизда биринчи бор ўтказилаётган онлайн имтиҳон жараёнлари билан танишиш учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов борди.

Имтиҳон жараёнларини адолатли ўтказиш билан бир қаторда билим-ли ва иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов онлайн имтиҳонларга жалб қилинган хорижий экспертлар билан ҳам учрашди.



## НОУТБУКЛАР ГЛОБАЛ БОЗОРИ (2020 й. III ЧОРАҚ)

(МИНГ ДОНА)

1. HP	—	14 575	(26%)
2. Lenovo	—	11 820	(21%)
3. Dell	—	8 160	(14,7%)
4. ASUS	—	4 960	(9%)
5. Acer	—	4 270	(7,7%)
Бошқалар	—	11 375	(20%)
<b>ЖАМИ</b>	—	<b>55 160</b>	



Манба: TrendForce, 2020 й. сентябр

## 2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan  
umagacha

Ўзбекистон-Хитой Ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраислари – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий бюроси аъзоси, ХКП МҚ сиёсий-ҳуқуқий комиссияси котиби Го Шэнкун ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Ўзбекистон-Хитой Ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраислари суҳбат чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молия, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа муҳим йўналишлардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини атрафлича муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовни 27 сентябр – Мустақиллик куни билан табриқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 28 сентябр куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология тизимидаги ислохотлар натижадорлиги муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда соҳага доир илм-фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси йилдан Тошкент давлат техника университети билан энергия самарадорлиги, Кимё-технология институти билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари генетикаси, Тўқимачилик институти билан синтетик толалар, Илғор технологиялар маркази билан ҳамкорликда биологик фаол қўшимчалар йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳимлиги айtilди. Шунингдек, йиғилишда “Ўзстандарт” агентлиги томонидан амалга оширилган ишлар ва келгуси режарлар юзасидан тақдимот ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг 7-йиғилишида иштирок этиш учун 2020 йил 29 сентябр куни Душанбе шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф доирасида Комиссия кун тартибида кўзда тутилган савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда маданий-гуманитар соҳаларида ва бошқа устувор йўналишларда икки томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон – Тожикистон ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида Бизнес-форум ва Ишбилармонлар кенгашининг йиғилиши ўтказилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги ҳамда “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар эълон қилинди.



## ПРЕЗИДЕНТ ЎҚИТУВЧИ ВА ЗИЁЛИЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 1 октябр – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу байрам илк бор давлат раҳбари иштирокида ўтапти. Бу – таълим ва тарбия масаласи алоҳида устувор йўналиш даражасига кўтарилганининг яққол далили.

– Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг бекиёс ҳиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз, – деди Шавкат Мирзиёев тадбирга йиғилган ўқитув-

чи ва зиёлиларга мурожаати аввалида.

Ҳақиқатан ҳам, инсон тарбиясида, камолотида устозларнинг хизматлари улуг. Бу йилги пандемия билан боғлиқ қийин шароитда ҳам жонкуяр ўқитувчилар ўз ишини давом эттирмоқда. Аксарият мактабларда янги ўқув йили бошланди. “Онлайн мактаб” лойиҳаси ва масофавий таълим йўлга қўйилди. Таъбир жоиз бўлса, бугун ўқитувчилар иккита фронтда кураш олиб бормоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати, бу йилги табрик ҳам аввалгилардан фарқ қилиб, мурожаат тарзида бўлмоқда.

Президент тарихга назар солиб, IX-XII асрларда юртимиз ҳудудида биринчи, XV асрда иккинчи Ренессанс порлаганини таъкидлади.

– Кўпчилик зиёлилар қато-

рида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Улар “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”, деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар, – дея таъкидлади Президент.

Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан имзоланган фармонга мувофиқ, халқимизнинг озодлиги ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга бекиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмуджўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирлангани маълум қилинди. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини таъкидлади.

– Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак, – деди Президент. – Бу ўлмас мерос ҳамиша ёни-мизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан сугоришимиз керак.

Байрам тадбирида ўқитувчи ва мураббийлар, олимлар, парламент ва ҳукумат вакиллари иштирок этди. Шунингдек, ҳудудлардаги соҳа фидойилари маросимни Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги студиялардан кузатиб борди.





# ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ БОҒИНИНГ ЧАРОҒБОНЛАРИ

1

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг: “Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг”, деган ҳикматли сўзлари юз йиллар ўтса-да ўз қийматини йўқотгани йўқ. Чунки болаларимизнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишида илм олиш, мактаб, ўқитувчилар асосий ўрин эгаллайди.

Ҳазрат Навоий бобомиз устоз ва мураббийлар шаънини улуғлаб бежиз шундай лутф этмаган:

**Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,**

**Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

Фарзандларимизнинг келажақда қандай касбни эгаллаши, ҳаётда ўз йўлини топиши, жамиятга керакли бўлиб умр кечириши нафақат ота-она, айни чоғда муаллимларга ҳам боғлиқ. Зеро, донишмандлар айтганидек, “Мактаб – ёшлик гулшани, болалар эса унинг бебаҳо ниҳоллари, устоз-ўқитувчи бу боғнинг доно соҳибкори. У эккан ниҳолларнинг ҳосили авлоддан авлодга ўтиб, ундан эл баҳра олади”.

Мактабни тугатганимизга неча йиллар ўтган бўлса-да, ҳануз бизга илк сабоқ берган устозларимизни эслаймиз. Ҳамон илк сабогини қутлуғ Она, Ватан, Тинчлик, Нон... каби сўзлар билан бошлаган, ҳижжалаб ўқиб-ўргатган меҳрибон ва куюнчак муаллимларимизнинг овози қулоқларимиз остида садо бериб туради. Янги-янги довларни босиб ўтарканмиз, улардан олган илк сабоқ ҳамиша қўл келади. Минглаб қалбларга эзгулик уругини қадаган, Ватанини севиш, ота-онани эъзозлаш туйғуларини шакллантирган, мустақил қадам ташлашга ўргатдиган ўқитувчи ва устозларимиз меҳнати баркамол авлод тимсолида ўз қадрини топади. Шу боис, бугун юртимизда ўқитувчилик касби қадр топди, шарафланди. Зеро, қалб кўри, кўз нури, бутун борлигини ўғил-қизлар тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг машаққатли меҳнати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг: “Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг”, деган ҳикматли сўзлари юз йиллар ўтса-да ўз қийматини йўқотгани йўқ, Чунки болаларимизнинг соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишида илм олиш, мактаб, ўқитувчилар асосий ўрин эгаллайди.

Айнан мана шу мақсадда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида таълим соҳасида ҳам кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Масалан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб, Мирзо Улугбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умум-

таълим мактаб-интернати, “Астрономия ва аэроавтика” боғи ташкил этилгани, шунингдек, Тошкент шаҳрида Америка Қўшма Штатларининг нуфузли Вебстер университетининг филиали очилиши ҳам илм-фан ва таълим соҳасида илғор хорижий тажриба ва инновацияларни жорий этиш йўлида муҳим қадам бўлди. Қолаверса таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, хориждаги етакчи таълим марказлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни кучайтириш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича долзарб вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Буюк алломаларимиз, атоқли шоир ва адибларимиз номи билан аталадиган ижод ва табиий фанларга ихтисослаштирилган мактаблар, “Темурбеклар мактаблари”, Президент мактаблари каби мутлақо янги намунадаги замонавий ва инновацион таълим масканлари айни шу мақсадга хизмат қилади.

Шу маънода, бугунги кун ўқитувчиси универсал мутахассис, ҳам ўргатувчи, ҳам ўрганувчи бўлиши, яъни ўз устида тинимсиз ишлаши, доимо изланиб яшаши керак. Ана шундай ўз касбининг фидойи ўқитувчилари ҳар йили байрамларда эътироф этилади. Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги фидойилиги ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун уларга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвонлари тақдим этилади. Соҳанинг алоҳида вакилларига эса “Фидокорона хизматлари учун”, “Меҳнат шухрати”, II даражали “Соғлом авлод учун”, “Дўстлик” орденлари ҳамда “Шухрат” медали билан тақдирланишади. Кўни кеча “Мактабгача таълим фидойиси” кўкрак нишонининг таъсис этилиши бежаси, яъни Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги тегишли қарори лойиҳаси муҳокамага эълон қилинган ҳам устоз-мураббийлар учун яна бир катта эътибор. Ҳужжат лойиҳасига кўра,

кўкрак нишони билан мактабгача таълим соҳасида ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, ёшларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида фидокорона меҳнат қилган ҳамда соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган фуқаролар тақдирланади.

Ҳар йили 1 октябр – Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Санокли мамлакатлардагина, масалан, Грузия, Арманистон, Украина, Молдавия, Япония, Ҳиндистон каби мамлакатларда ўқитувчилар куни нишонланади. Аммо фақат Ўзбекистондагина бу сана умумхалқ байрами сифатида жуда катта тайёргарлик билан ўтказилади.

Бундай байрамлар бизга яна бир бор аждодларимиз кимлигини ёдга олиш, уларни қайта-қайта хотирлаш учун туртки бўлади. Чунки улар чироғини ёқиб, амалга оширган буюк ишларини давом эттириш учун ҳаёт пиллапояларидан дадил одимлаётган ёшларга ҳазрат Навоийнинг кўнгил битиклари доимо ҳамроҳ бўлади. Мирзо Улугбекнинг йўлчи юлдузлари йўлларини ёритиб туради. Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Фарғоний каби мутафаккир аждодларимиз дунё илм-фани, фалсафа ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшганлар, юртимиз довларини бутун жаҳонга таратганлар. Дарҳақиқат, ўтган аждодларимиз ва устозларимизнинг ана шу жасорати, илм-фанга бўлган садоқати келгуси авлодларни ҳам буюк кашфиётлар яратишга ундаши шубҳасиз. Қолаверса, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек асрашда, авваламбор, болаларимизни мустақил фикрга эга, оқни қорадан ажратишга қўриб этадиган инсонлар, ёшларимизнинг иродасини мустаҳкам ва бақувват қилиб тарбиялашда муҳтарам ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳиссаси беқиёс.

Ўғил-қизларга, шогирдларига заҳмат чекиб, ранжу машаққатлар ила таълим-тарбия бераётган, биргина “Раҳмат устоз” деган рағбатдан кўнгли осмон устозларимиз олдидаги қарзимизни фақатгина ютуқларимиз, Ватанга бўлган кечмас муҳаббатимиз орқалигина узишимиз мумкин. Зотан, икки оғиз илиқ сўз, айниқса, ўқувчиси ҳақида айтилган яхши гапдан заъф туядиган мураббийлар эзгулик ва маърифат боғининг чароғбондир.

Барно СУЛТОНОВА,  
“Xabar” мухбири

## 4 | МОЖАРО АТРОФИДА

Мобил қурилмалар  
IMEI-кодларини  
рўйхатга олиш масаласи:

## факт, рақам

**Сўнги вақтларда IMEI-кодларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ масала барчанинг диққат-эътиборида бўлди. Вазият юзасидан расмий баёнот берилди, шунингдек, фуқароларнинг паспорт маълумотларининг ўгирланиши ҳолати ҳамда шахсга доир маълумотлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш оқибатлари ҳақида таъкирланди.**



**Бобур ТИЛЛАБОВ:**  
"Мобил қурилма  
харид қилишда унинг  
IMEI-коди рўйхатдан

**ўтганлигини текшириб олинг"**  
"Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" давлат унитар корхонаси директори Бобур Тиллабоев ушбу тизимни жорий этишдан мақсад, мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақида маълумот берди ҳамда сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда юзага келаётган фикр-мулоҳазаларга ўз муносабатини билдирди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда мобил қурилмалар IMEI кодларини рўйхатга олиш тизими жорий этилган. Бу тизим дунёнинг кўп мамлакатларида амалиётда қўлланиб келинмоқда. Ушбу тизимни жорий этишдан мақсад истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, республикамизга сифатсиз мобил қурилмаларнинг кириб келиши ҳамда унинг ноқонуний савдосини олдини олишдир. "Жисмоний шахслар мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш учун паспорт маълумотлари, телефон рақами ва мобил қурилманинг IMEI-кодиди тақдим этишлари талаб қилинади, - таъкидлади Бобур Тиллабоев. - Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинаётган мобил қурилмаларнинг Давлат божхона кўмитаси томонидан ўрнатилган божсиз олиб кириш нормаларига риоя этилганлигини текшириш мақсадида шахснинг паспорт маълумотларига асосан фуқаронинг Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар текширилади.

Шу мақсадда тизим оператори Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйган. Бироқ, рўйхатдан ўтказиш масофавий ёки онлайн тарзда амалга оширилаётганида рўйхатдан ўтказувчи шахс билан тизим оператори ўртасида бевосита контакт бўлмаслиги сабабли фуқароларнинг паспорт маълумотларини айнан шу шахснинг ўзи ёки бошқа шахс томонидан тақ-

дим қилинаётганлигини тизим орқали аниқлаш имкони бўлмайди. Шу сабабли ҳозирда учинчи шахсларнинг паспорт маълумотларидан фойдаланган ҳолда мобил қурилмалар IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш ҳоллари кузатишмоқда.

Унинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги IMEI-кодларни айрим шахслар томонидан ноқонуний рўйхатдан ўтказишга уриниш сингари ҳолатларга ваколатли органлар билан ҳамкорликда тегишли чоралар олиб борилмоқда ва бу узлуксиз давом эттирилади. "Шу ўринда фуқароларимиздан республика ҳудудидан мобил қурилмаларни харид қилиш вақтида, мобил қурилманинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтганлигини текшириб олишингизни сўраб қолардик. Текширишни 1170 қисқа рақамга IMEI-кодни SMS орқали жўнатиш ёки uzimei.uz сайти орқали текшириб олишингиз мумкин", - дейди Б.Тиллабоев.

### "IMEI-код ўгирлари": жиноий гуруҳ қандай ҳаракатланган?

Давлат божхона кўмитаси бошқарма бошлиғи Рустам Қобуловнинг қайд этишича, бугунги кунда четдан олиб келинган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодиди рўйхатдан ўтказиш учун:

Биринчи ҳолатда, мобил қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сотиш учун тадбиркорлик субъекти (импортиёр) томонидан БЮД асосида олиб кириш - бу ҳолатда мобил қурилмаларнинг IMEI-кодиди рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркор томонидан БЮД тақдим этилиши лозим.

Иккинчи ҳолатда, жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини ўзлари кесиб ўтган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган божхона чегараси орқали товарларни божсиз олиб киришнинг чекланган нормаларидан ошмаган миқдорда олиб кирилган мобил қурилмаларнинг IMEI-кодиди рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтганлигини тасдиқлаши лозим.

Бунда ҳам жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (сана, усул ва бошқа) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат пер-

соналлаштириш маркази билан электрон ахборот алмашиш орқали мурожаат этилган сана ва жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами қайд этилган ҳолда автоматик текширилади.

Шунингдек, меъёридан ортган қисми бўйича Божхона кириш ордери орқали божхона тўловларини ҳам тўлаш мумкин бўлиб, мазкур маълумотлар ҳам UzIMEI тизимига интеграция қилинган.

Учинчи ҳолатда, жисмоний шахслар номига халқаро почта ёки курьерлик жўнатмалари орқали олиб кирилган мобил қурилмалар фақат Тизим операторига ўзи келиб мурожаат этиш орқали почта идентификаторининг штрих коди ва календар штемпели бўлган конверт тақдим этилган ҳолда амалга оширилади.

Сўнги вақтларда мобил қурилмаларни UzIMEI тизимидан рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар ижтимоий тармоқларда долзарб мавзуга айланди. Божхона вакили Рустам ҚОБУЛОВ бунга қуйидагича изоҳ берди:



— Гап шундаки, хориждан келган кўпгаб фуқаролар ўзлари билан олиб келган мобил телефонларини рўйхатдан ўтказишмоқчи бўлганида, уларнинг номига аллақачон бошқа мобил қурилмалар UzIMEI тизимидан рўйхатдан ўтганлиги кўпгаб норозиликларга сабаб бўлаётган эди.

Қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш борасида олиб борилган тадбирлар натижасида рўйхатдан ўтмаган мобил қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ҳаракатланган фуқароларнинг номига ноқонуний йўллар билан рўйхатга қўйиш, шахсларга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиб, сақлаб, улардан гаразли ниётларда фойдаланиб келаётган жиноий гуруҳ фаолияти фож этилди.

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқароси О.А. шериклари М.Б. ва Т.Р.лар билан тузган ўзаро жиноий режага кўра қўшни давлатларга ўтишиб, у ерда Ўзбекистонга кириб келаётган мамлакатимиз фуқароларининг паспорт маълумотларини телефон ёрдамида расмга тушириб, "Телеграм" ижтимоий тармоқидан юбориб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган мобил қурилмаларни UzIMEI тизими орқали ушбу фуқаролар номига рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланиб келишган.

Биргина фуқаро Б.М.нинг уяли алоқа воситаси кўздан кечирилганида, телефон хотирасида Ўзбекистон фуқароларининг 200га яқин паспорт расмлари борлиги, у ушбу паспорт маълумотларини йиғиб, жиноий шериги О.А.га етказиб берганлиги учун ҳар бир паспортга 5 АҚШ доллардан ҳақ олганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан Давлат божхона кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141<sup>2</sup>-моддасининг 2-қисми "а" ва "в" бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов органига юборилди.

Брифингга маълум қилинишича, мобил қурилмалар импорти 2019 йилнинг 1 январь - 15 сентябр даврида 58 810тани (4,6 млн. долл.) ташкил этган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 451 039та (29,8 млн. долл.) ташкил этди. "Давлат бюджетига 2019 йилнинг ушбу даврида 8,7 млрд. сўм, жорий йилда эса 72,6 млрд. сўм ундирилди, яъни ўтган йилдан нисбатан 63,9 млрд. сўмга кўп.

Бир сўз билан айтганда, мазкур тизим тўлиқ амалиётга жорий этилгандан сўнг 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 15 сентябрга қадар 911 882та (47,3 млн. долл.) импорт қилинган бўлиб, давлат бюджетига 100,1 млрд. сўм ундирилган.

Жорий йилда жами 4,9 млрд. (2019 й. 6,2 млрд.) сўмлик 7 484та (2019 й. 7691та) уяли алоқа воситаларининг ноқонуний олиб ўтиш ҳолатлари аниқланди", - дея қайд этди божхона вакили.

### Шахсга доир маълумотларни ўгирлаганларга жазо муқаррар


ИИБ ҳузуридаги Тергов департаменти терговчиси Жавоҳир ҚОДИРОВ фуқароларнинг шахсга доир маълумотлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиш оқибатлари ҳақида қуйидагиларни баён қилди.



— Сўнги вақтларда хорижий давлатлардан мамлакатимизга келаётган фуқароларнинг шахсга доир маълумотлари-

**IMEI (International Mobile Equipment Identity — Халқаро мобил қурилма идентификацияси) мобил тармоқдаги қурилмани идентификациялаш учун уникал рақам ҳисобланади.**

# Ва мулоқазалар



дан учинчи шахслар томонидан ноқонуний равишда фойдаланилиб, уларнинг маълумотлари асосида UZIMEI тизими орқали келиб чиқиши маълум бўлмаган уяли алоқа воситалари рўйхатга қўйилган ҳақидаги мурожаатлар сони ортиб бораётгани кузатишмоқда.

Шу муносабат билан, мазкур ҳолатни муҳокама этиш мақсадида, жорий йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази" давлат унитар корхонаси (UZIMEI) масъул ходимлари иштирокида жами уч маротаба ишчи учрашув ўтказилиб, унда юзга келаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, шахсга доир маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги қонуни билан ҳимояланиб, фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 46<sup>2</sup>-моддасига асосан фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Уша ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилиб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, ғаразли ёки бошқача паст ниятларда, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилса, ёхуд оғир оқибатларга сабаб бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141<sup>2</sup>-моддасига асосан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жорий йилнинг 18 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тезкор-қиди-

рув ҳамкорлиги бошқармаси Андижон вилояти ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда Андижон шаҳрида ўтказилган тезкор тадбирлар давомида, юқорида қайд этилган ноқонуний ҳаракатларни содир қилган уч нафар шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 141<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми "а", "б" бандлари ва 182-моддаси 2-қисми "а" банди билан Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси томонидан 030011/2020-38-сонли жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирги кунда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Терговнинг яқуни бўйича қонуний қарор қабул қилиниб, ушбу фуқароларга нисбатан жавобгарликнинг муқаррарлиги тасминланади. Жиноят иши бўйича дастлабки тергов жараёнида фуқаролар банк филиалидан ўзининг номига берилган бешта пластик картадаги пул маблағларидан UZPAYNET МЧЖ орқали жами 2158та уяли алоқа воситасини қонунга хилоф равишда "Мобил қурилмаларини рўйхатга олиш тизими"га қайд этишгани аниқланган. Ушбу ҳолатда гумон қилинувчилар жуда кўп миқдорни – 3115та уяли алоқа воситасини Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига божхона назоратини четлаб айланма йўллар билан олиб кирганилиги аниқланган.

Айни вақтда мазкур ноқонуний фаолият билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чора кўриш юзасидан Ички ишлар органлари томонидан тегишли тадбирлар давом эттирилмоқда.

## IMEI-коднинг аҳамияти импортчилар нигоҳида

Жараёнга бевосита алоқадор томон - хориждан мобил қурилмаларини импорт қилувчилар қандай фикрда? IMEI-кодларни рўйхатдан ўтказиш тизимининг жорий қилиниши расмий импортчилар фаолиятига қандай таъсир қилди? Бу ҳақда ушбу соҳа вакиллари билан қисқа интервью уюштирдик.

## IMEI тизими жорий этилганидан кейин махсулотимизга талаб кучайди

- Мобил қурилмаларнинг IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш тизими жорий этилгандан кейин, биз расмий равишда импорт қилиб олиб кираётган махсулотимизга талаб анча-мунча кучайди, - дейди GOODS AND SERVICES IMPEX МЧЖ раҳбари Ойбек Йўлдошев. - Биз

## Айрим муаммолар ҳали ҳам мавжуд

- Ўзгаришлар ҳаммадан кўра бизга кўпроқ таъсир қилди, - дейди "Сифат Бизнес Савдо" МЧЖ раҳбари Тимур ГАФУРОВ. - Бугунги кунда биз ўз махсулотларимиз, телефонларимиз савдоси билан тўлақонли шуғуллана бошладик. Тегишли қонун чиққунга қадар смартфонлар



бозори тартибга солилмагани. Биз шунчаки рақобат қилолмасдик. Шунга кўра бозорни ҳам рақобат майдони деб бўлмасди. Ҳозир эса ишонч билан айта оламизки, адолат қарор топди, расмий импортчилар сифатида давлат бюджетига катта божлар тўлаяпмиз.

Рўйхатга олиш жараёнига келсак, ҳаммаси жуда силлиқ кечяпти. Ариза топширган сўнг UZIMEI ходимлари уч кун ичида аризаларимизни кўриб чиқиб, рўйхатга олишяпти.

Бугунги кунда, албатта, умумий вазият яхшиланди. Бироқ, афсуски, айрим муаммолар ҳали ҳам мавжуд. Яъни, мижоз телефонни бозордан сотиб олаётганда унинг IMEI-коди бир ойдан сўнг рўйхатга олинишини айтишди. Шунда мижоз "Нима учун бир ойдан сўнг?" деган ҳақли саволни бериши керак. Табиийки, бу ноқонуний олиб қирилган телефон бўлиб қиқади. Биз эса мижозларимизга телефонларимизни қонуний олиб кирганимизга кафолат берамиз. Уяли алоқа воситаси савдога чиқишидан олдин расмий дилер сифатида зарур тегишли жараёнлардан ўтамиз. Махсулотларимизни сертификатлаштирамиз. Уларнинг қонунийлиги, уларда ҳеч қандай муаммо юзга келмаслигига мижозларимизга кафолат берамиз. Борди-ю бирорта муаммо келиб чиқса, мижозлар бизга мурожаат қилиши мумкин.

Сифат кафолати нима дегани? Бу шуни англатадики, мижоз биздан телефон сотиб олган бир ой ёки бир йилдан кейин ҳам муаммо юзга келса, бизга учрашиб, биздан кафолат талаб қилишга ҳақли.

Биз бир кунлик компания эмасмиз. 20 йилдан бери бозорда фаолият юритиб келяпмиз. Биз билан ҳисоблашишда, бизни ҳурмат қилишда. Ўзимизни ишончли ҳамкор, инсофли импортчи сифатида аллақачон кўрсата олдик.

Кўпгина одамлар беҳабарликлари туфайли телефонни харид қилгач, IMEI-кодни тизимда ўзлари рўйхатдан ўтказиши керак, деб ўйлашади. Лекин бу нотўғри. Чунки телефонни олиб қирган импортчи бўладими, компания бўладими - бу ишни улар амалга ошириши зарур.

6 | 1 ОКТЯБР — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

# ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ИНСОН

1956 йилнинг баҳор ойларида Хайрулло ота ҳамда Мунира ая хонадонларида ўғил фарзанд дунёга келди. Фалакиёт султони Мирзо Улуғбек бобосидек етук олим бўлсин, дея яхши ниятлар билан унга Улуғбек деб исм қўйишди.

Улуғбек мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ математика фанига меҳр қўйганди. Шунинг учун ўқиётган мактабининг математикага ихтисослашган синфини аъло баҳоларга битирди ва Самарқанд давлат университети математика факултети талабаси бўлди. Орадан икки йил ўтгач, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) давлат университетида математика-механика факультетида ўқишни давом эттирди. Ленинград университетини тугатиб, билимини янада мустаҳкамлаш мақсадида шу ерда беш йил ишлади, аспирантурани битирди. 1983 йилда университет қошидаги ихтисослашган кенгашда "Локально-тривиальные гомомологии и их приложение в алгебраической геометрии" мавзуси бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражага эга бўлди. Шундан сўнг она ватанига қайтиб, Самарқанд давлат университетиди оддий кафедра ассистентлигидан факультет декани вазифасигача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди.

2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан Тошкент ахборот технологиялари университети филиали беш вилоят марказида, хусусан, Самарқандда ҳам очилди. Улуғбек Нарзуллаев ТАТУ Самарқанд филиали ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасига тайинланди.

Шу даврда филиалнинг биринчи директори Омон Мели-



● СУРАТДА: Улуғбек НАРЗУЛЛАЕВ шогирди Баҳром МАМАНАЗАРОВ билан иш устида.

ев раҳбарлигида Улуғбек Нарзуллаев билан биргаликда елкама-елка Шавкат Бўрибоев, Фулом Шомирзаев, Нарзулло Ражабов, Абдували Қаршиев, Маҳмадиёр Яхшибоев, Қосим Бекмуродов, Равшан Мардонов, Сайёра Облоқулова, Аноркул Мусаев каби ўз соҳасининг фидойилари меҳнат қилдилар.

Домла 2009 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали директори лавозимида ишлаган.

Улуғбек Нарзуллаев ташаббуси билан филиалда учта (физика, схематехника ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги) ўқув лабораторияси ташкил этилди. Ҳозирги пайтда ушбу лабораториялардан филиалдаги Телекоммуникация технологиялари таълим йўналишида ўқиётган

талабалар фойдаланиб келишмоқда. Шу билан биргаликда, иккита етакчи хорижий илмий марказ - Санкт-Петербург электроника институту ва Йошкар-Ола техника университети билан ҳамкорлик шартномалари тузилди.

У раҳбарлик қилган даврда филиалда илмий-услубий семинарлар ташкил этилиб, ҳар йили олий таълим талабалари ва профессор-ўқитувчилар илмий-амалий конференциялари ўтказилди, филиал учун 460 ўринли янги бино қурилиб, унда тўртта мултимедиа ўқув аудиторияси, 10та замонавий компьютер хоналари ташкил қилинди.

Иқтидорли талабаларнинг ўқув-услубий семинари, ҳар йили 9та ўқув фанидан фан олимпиадалари ўтказилди.

Натижада ҳар йили Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатида филиалдан камида иккита жамоа иштирок этади. Қолаверса, ҳар йили талабалар ўртасида республика миқёсида ўтказиладиган "Келажак овози" кўрик-танловида аниқланган иштирокчилар республика босқичида ҳамда иқтидорли талабалар ўртасида ўтказиладиган World Cyber Games Uzbekistan ва Ал-Хоразмий номидаги дастурлаш бўйича танловларда қатнашадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, филиалда Давлат, вазирлик ҳамда корхоналар стипендияларига номзодлар тайёрланиб, ушбу танловларда ғолибларнинг иштироки таъминланади. Масалан, 2009-2013 йилларда филиалда икки нафар Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори, бир нафар Беруний номидаги давлат стипендияси, уч нафар АКТ вазирлиги стипендияси, олти нафар Радио-техника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти стипендияси совриндорлари тайёрланди.

Улуғбек Нарзуллаев 2013 йил ТАТУ Самарқанд филиали телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултети декани лавозимига тайинланган.

Устоз ўз фаолияти даврида жамоатчилик асосида Самарқанд вилоят сайлов комиссияси аъзоси, вилоят ҳокимияти ва давлат бошқарув органлари ходимларининг малакасини ошириш маркази Кенгаши аъзоси, Олий Мажлис, вилоят ва туманлар Кенгашига халқ депутатлари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи

гурӯх раҳбари, Самарқанд вилоят ҳокимияти, туман ва шаҳар ҳокимиятлари, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ишчи ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқув семинарларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гурӯх аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга, Каттақўрган туман ҳокимлигида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича масъул ходим ҳисобланади.

Улуғбек Нарзуллаев муаллифлигида 2012 йилда "Ангебра и теория чисел" (части 1, 2, 3, 4) номли тўртта китоб LAP LAMBERT Academic Publishing GmbH & Co. KG, Germany немис нашриётида чоп этилди. Яъни, 100дан ортиқ номдаги илмий ва услубий ишлар муаллифи ҳисобланади.

Домла умр йўлдоши — олий тоифали шифокор Мартаба ая билан биргаликда икки қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлари олий маълумотга эга бўлиб, ҳар бирлари бугунги кунда эл ҳизматида.

Устоз ва мураббийга бугунги кунда ҳам тинимсиз меҳнат қилиб, телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултетини янада ривож топиши йўлида ҳеч қачон ҳорамиз, деймиш. Мамлакат ривожига ҳисса қўшаман, деган одам аслида шундай ёруғ қалб билан бедор яшайди.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**  
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

## ЯХШИ УСТОЗ — ШОГИРДНИНГ БАХТИ

Йиллар ўтиб, ҳаёт деб аталмиш баланд-паст чуқурликлардан иборат йўллардан одимлар эканмиш, яхши устоз ҳам шогирднинг бахти ва омади эканини тушуниб етимиш. Бундан роппа-роса 7 йил аввал Тошкент ахборот технологиялари университетини телекоммуникация мутахассислиги бўйича битириб, илк фаолиятимни "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиалида техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникани тестдан ўтказиш хизмати муҳандиси сифатида бошлаганимда, тақдир мени устозим — бугунги кунда нафақада бўлган Одил БОБОМУРОДОВдек раҳбар қўл остида ишлаб, соҳа сирларини ўрганиш бахтига муяссар этди.

Ўсмирлик чоғимданоқ алоқа соҳаси жонқуярларидан бўлган Одил ака ҳақида кўп илиқ сўзлар эшитганим, кейинги йилларда тизимда (вилоят миқёсида) амалга оширилган қатор бунёдкорлик ишларида у кишининг салмоқли хиссаси борлигидан яхши хабардорлигим боис, ушбу истиқболли соҳада ишлаш орзуси айнан ўша беғубор дамларимда ёш қалбимда куртак ота бошлаган бўлса ажабмас.

1958 йили Қорақўл туманида таваллуд топган, алоқа соҳасидаги дастлабки фаолиятини 1979 йили Олот тумани электралоқа боғламасида электромонтёрликдан бошлаб, кейинчалик ҳозирги ТАТУни автоматик электралоқа муҳандиси мутахассислиги бўйича тамомлаган О.Бобомуро-

дов аввалига Қорақўл ва Когон туманлари электралоқа боғламаларида бош муҳандис, кейинчалик Бухоро шаҳар электралоқа воситаларини эксплуатация қилиш цехи ҳамда "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали техник хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи вазифаларида, шунингдек, мазкур филиалда Техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникани тестдан ўтказиш хизмати раҳбари сифатида ҳам ишлаган.

Устозимиз ўз фаолиятини қуйи погондан бошлагани учун соҳани ҳар томонлама мукамал ўрганишга интилиб, бунинг уддасидан чиққани ва етук мутахассислардан бирига айланганини бугун унинг барча ҳамкасблари ва шогирдлари эътироф этишади. Алоқа соҳасида 40 йилдан ортиқ тажрибага эга О.Бобомуро-



родов Шухрат Воҳидов, Илҳом Қулиев, Хуришда Шодмонова, Зафар Жабборов сингари биздек қўллаб-қувватлаш томида устозлик қилиб, танлаган касбимизни мукамал ва пухта ўрганишимизда ҳам назарий, ҳам амалий ёрдамини ҳозиргача аямай келаётган қалбидарё, меҳрибон инсонлардан биридир. Бинобарин, мен у кишининг барча олижаноб фазилатларини, яъни ўз касбига чексиз садоқатини, ёшларга ишончи баланглигини меҳнат фаолиятимнинг дастлабки кунлариданоқ билганман. Зиммамдаги вазифаларни — янги техникани техник қўллаб-қувватлаш ва тестлаш бўйича методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш,

рақамли телекоммуникацион ускунани эксплуатация қилишнинг тўғрилиги ва регламент ишларининг ўз вақтида бажарилишини ташкил этиш ҳамда назорат қилиш каби қатор иш мажбуриятларимни талаб даражасида удаллашимда устозимнинг хизматлари беқийс. Яна бу инсон ҳалол ва ростгўй, одамхон ва ҳозиржавоб, кези келганда ўз фикрини дадил айта оладиган ноёб фазилатлар эгаси ҳамдир. Шунинг учун ҳам мен ҳамisha устозимдек бўлишга интиланман.

Очиғи, устозимизнинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти, ҳеч бир муболағасиз, кўпчиликка ибрат ва намуна бўлишга арзигulikдир. Мухтасар қилиб айтганда, биз — шогирдлар Одил Бобомуродовдек устоз кўрганимиздан фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, муҳтарам устозимизни ва барча мураббийларни қутлуг сана — Ўқитувчи ва мураббийлар кўни билан самимий муборакбод этиб, барчаларига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ҳамда доимо эъзозу эътиборда бўлишларини тилаб қоламан.

**Азамат АЗИМОВ,**  
"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали Техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникани тестдан ўтказиш бўлими бошлиғи



# ЎЗ ХАЛҚИНИНГ ЮРАК ПАРЧАСИ

Дарҳақиқат, азалдан ўзбек миллати заминидан жаҳонга машҳур олиму фузалолар, буюк сиймолар етишиб чиққан ва шу ўлканинг доврўғини оламга ёйганлар. Мана, бугун ҳам ана шундай азизу авлиёларнинг муносиб авлодларидан бўлмиш серқирра ижодкор, забардаст қалам соҳиби, Ўзбекистон халқ шоири, "Ўзбекистон Қаҳрамони", "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Эркин ВОҲИДОВни дилдан хотирлар эканмиз беихтиёр кўзларимиз намланади. Негаки, бугун халқимизнинг суюкли фарзанди энди орамизда йўқ... Бироқ, бироқ унинг турфа ҳиссиётларга йўғрилган янгроқ овози, баъзан эса болаларча хандони лирик асарларига сингиб, китобхонларнинг қалбларига мангу муҳрланган.

**Сержило ижоднинг серқирра ижодкори, халқимизнинг суюкли фарзанди устоз адиб Э.Воҳидов 2016 йилнинг 29 майида оламдан ўтди. Адибнинг барча асарларида, жумладан, "Кўшиқларим сизга", "Юрак ва ақл", "Менинг юлдузим", "Муҳаббат", "Келажакка мактуб", икки жилдлик сайланма ("Муҳаббатнома" ва "Садоқатнома"), "Куй авжида узилмасин тор", "Яхшидир аччиқ ҳақиқат", "Палаткада ёзилган шеър", "Ёшлик девони", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Бедорлик", "Орзу чашмаси", "Нидо", "Куй маскани", "Бахмал", "Тошкент садоси", "Дониш қишлоқ латифалари" каби тўпламларига кирган шеърларида ҳам такрорланмас, ўзига хос сеҳру сир, меҳру муҳаббат муҳассам эди.**

Эркин Воҳидов адабиётга илк бор қўл урганида ҳали даврининг кўзга кўринган шоиру шоирларининг жарангдор ва жилвакор кўшиқлари янгроқ эди. Ёш адибнинг бундан юраги ҳайиқмади. Наинки унинг майин ва сокин мусиқа садолари аста-секин улкан оркестрнинг назму навосига қоришиб кетди. Бора-бора бу сас ўзининг ўрни, куйию авжига ноил бўлди.

Устоз адиб 1936 йилнинг 28 декабрида Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги зиёли оилада дунёга келган. Отаси Чўянбой Воҳидов, онаси Розияхон Воҳидовалар жамиятнинг обрў-эътиборли, маърифатли кишиларидан эди. Бироқ отаси урушнинг аччиқ тотимидан "бахраманд" ҳолда оиласи даврасига ярадор қайтди ва кўп ўтмай оламдан ўтди. Айрилиқ ситамларига бардоши етмаган онаизор ҳам бу дунёни эрта тарк этди. Адиб икки қисқа умрнинг ёлғиз ёдгори бўлиб тоғаси - Карим Соҳибоевлар оиласида қолди. Гарчанд тоғаси давлат ишида фаолият кўрсатса-да, адабиётга бўлган иштиёқи балан эди. Шу боис Соҳибоевлар хонадонидан тез-тез шоиру хонандаларнинг мароқли сухбатлари - адабий кечалар бўлиб турар эди. Ёш қаламкашнинг нафосатга, шеърятга бўлган меҳру майли ана шу давраларда шаклланган бўлса, кейинчалик устоз Файратий бошчилигидаги тўғарақда у ўз сайқалига етган, десак хато бўлмас. Ундан сўнг адиб 1960 йилларда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факултетига тахсил олди. Бу эса шоирнинг адабий ҳаётида чуқур из қолдирган. Ундан сўнг эса турли нашриётларда: "Ёш гвардия", "Ғафур Ғулом", кейинчалик "Ёшлик" журналида фаолият юритган.

Маълумки, ижодкорнинг ўсиб, шаклланишида адабий муҳит, оилавий тарбия, шароит муҳим рол ўйнайди. Аммо бу жиҳатларнинг қанчалик салмоқдорлиги юқори бўлмасин, истеъдоднинг даражаси, характери, виждоний бурчи ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ноёб истеъдод соҳиблари ҳар қандай қулай шароитда ҳам ўзининг

ички изтироб ва қийноқларга тўла дунёсига таянган ҳолда тўхтовсиз изланади, баъзан эса зиддиятларга ҳайиқмай ўзини рубарў эта олади. Чунки ҳар бир истеъдод ўзининг "мен"и негизи остида халқнинг аламу андуҳларини, ҳаёт кечинмаларини, жамиятдаги кишиларнинг ижобий ёхуд салбий образларини гоҳ жиддий, гоҳ юмористик талқинда очиб беради. Устоз Э.Воҳидовнинг ҳам барча асарларида айнан шунинг шоҳиди бўламиз. Ушбу сўзларининг қисқа баёнига келсак

Бундай қалб соҳибига эса адолатсизликка қарши исён туғилади ва асло халқ дардини дилдан туймай сония ҳам яшай олмади. Шу боисдан шоир томонидан мана бу мисралар бежиз ёзилмаган:

*Сени сездим ҳаргиз ўзимда,  
Менда фикринг, ўйинг, тилагин.  
Ҳар нафасда ёниқ кўксимда  
Уриб турар сенинг юрагинг.*

Аммо даврнинг шўро тузумида вояга етмиш ёшларнинг халқ иродаси, ўзига хос тарихи, аждодларимизнинг қаҳрамонликлари ҳақидаги асарларни иштиёқ билан ўқиши, ўқиғанда ҳам ўқиши қийин эди. Шу боисдан ҳам адибнинг "Ўзбегим" қасидаси ёшу қарининг онгига бирдек чақмоқ каби урилди. Бундан айримларнинг нафаси "куйди", айримлар эса қарахт бўлиб қолди. Неча йиллардан буён зулматда қолган қалбларни нурга чулғади. Орадан бироз вақт ўтгач, унинг "Рухлар исёни" достони, "Инсон", "Бу қўллар" каби қасидалари халқимизнинг истиқлол остонасидаги онгу шуурини яна бир қарра сайқалантирди. Умуман олганда, 80-йиллар ўрталарида истиқлол учун кураш мотивларини ўз шеърларига сингдира олган ва халқни изидан эргаштира билган истеъдод бу, шубҳасиз, Эркин Воҳидов эди.

Сержило ижоднинг серқирра ижодкори, халқимизнинг суюкли фарзанди устоз адиб Э.Воҳидов 2016 йилнинг 29 майида оламдан ўтди. Адибнинг барча асарларида, жумладан, "Кўшиқларим сизга", "Юрак ва ақл", "Менинг юлдузим", "Муҳаббат", "Келажакка мактуб", икки жилдлик сайланма ("Муҳаббатнома" ва "Садоқатнома"), "Куй авжида узилмасин тор", "Яхшидир аччиқ ҳақиқат", "Палаткада ёзилган шеър", "Ёшлик девони", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Бедорлик", "Орзу чашмаси", "Нидо", "Куй маскани", "Бахмал", "Тошкент садоси", "Дониш қишлоқ латифалари" каби тўпламларига кирган шеърларида ҳам такрорланмас, ўзига хос сеҳру сир, меҳру муҳаббат муҳассам эди. Бир сўз билан айтганда, устоз Э.Воҳидов миллат шоири эди. Чин миллат шоири!

Шоҳруҳ АҲМЕДОВ



*Ҳаёт — устоз, мен эсам толиб,  
Сўз дурларин термоқдир ишим.  
Одамларнинг ўзидан олиб,  
Одамларга бермоқдир ишим —*

дея ҳар доим китоб этганини ва бу қоидага умри бўйи қатъий амал қилиб келганини хотирласак кифоя. Бунинг натижаси ўлароқ, устоз Э.Воҳидов бугунги юксак макъаларни забт этди ва адабиёт ихломандларининг қалб кўридан мангу жой олди.

Адибнинг туркум асарларининг илк намунаси — "Тонг нафаси" шеърый тўпамидан тортиб, "Истамбул фожиаси"га қадар босиб ўтган умр йўли, ўю хаёли, кечинмаларининг асарларида аниқ равишда бадиий ёритилганлиги ёш ижод ҳавасмандларига мактаб вазифасини ўтайди. Ўша даврларда фақат собиқ совет тузумининг "яғирини" ялайдиган баъзи бир шоирлардан фарқли ўлароқ, адиб халқининг тортаётган ситамларини, жабру зулмларини кўра-била туриб эркин яшай олмади. Чин маънодаги "шоир ўз халқининг юрак парчаси" ҳисобланади.

# ОТКРЫТО ГОЛОСОВАНИЕ ЗА ЛУЧШЕЕ МОБИЛЬНОЕ ПРИЛОЖЕНИЕ MGOVAWARD



IT-Park при поддержке Мининфоком в рамках сотрудничества с ОАЭ проводит конкурс mGovAward.

Всего поступило 264 заявки, предварительный отбор прошли 95. Жюри отобрало для полуфинала 18 команд, из которых в финал конкурса прошли 7:

- Sahiya team — Sahiya (Образование);
- Roboteach team — Roboteach (Образование);
- FazonCo team — aboo (Образование);
- CodeSys team — CodeSys (Образование);
- Imam Bukhari team Seven Pirs (Туризм);
- iMed — EYECERIA (Здравоохранение);
- Shaxcar — CarWon (Предпринимательство).

Финальный этап пройдет в формате публичного голосования через Telegram-бот, по итогам которого определятся 3 победителя. Они получат:

- 1 место — \$50 000.
- 2 место — \$30 000.
- 3 место — \$20 000.

## РЫНОК

### ИМПОРТ ТЕЛЕВИЗОРОВ ПАДАЕТ НА ФОНЕ РОСТА МЕСТНОГО ПРОИЗВОДСТВА

По данным на 1 сентября, было закуплено 230,6 тыс. телевизоров и запчастей к ним на общую сумму \$5,3 млн. Такие данные приводит пресс-секретарь Государственного комитета по статистике Усмон Абдурасулов в своем Telegram-канале. По сравнению с прошлым годом импорт сократился на \$2,8 млн.

В страну завезли телевизоры и запчасти из 26 стран. Среди них:

1. Китай (\$3,2 млн);
2. Корея (\$820 тыс.);
3. Казахстан (\$435,6 тыс.);
4. Германия (\$87 тыс.).

В то же время, в 2019 году в стране произвели 951 тыс. телевизоров общей стоимостью 946,3 млрд сумов.

«По сравнению с 2018 годом производство увеличилось на 24,5%», — отметили в комитете.

## КОРОНАВИРУС

### В GOOGLE КАРТЫ ДОБАВИЛИ ДАННЫЕ ПО ЗАРАЖЕННЫМ КОРОНАВИРУСОМ

Теперь в Google Картах появится новый слой, который позволит пользователям увидеть количество зараженных коронавирусом в конкретной местности. Об этом сообщила компания на своем сайте.


«Если ваш регион находится в зоне распространения коронавируса (COVID-19), то с помощью Google Карт вы можете получить актуальную информацию о затронутых местах», — сообщает компания на своем сайте.

Пользователи Google Карт могут включить эту функцию и увидеть цветную карту, основанную на количестве случаев заболевания на 100 тысяч человек. Там же появятся ярлыки, указывающие на рост или снижение цифр за последние 7 дней.

«Функция поможет вам безопасно ориентироваться в

мире. Вы начнете видеть информацию о новых случаях COVID-19 в вашем районе», — поясняют разработчики Google Карт.

Они отметили, что данные поступают из нескольких источников, таких как Университет Джонса Хопкинса, The New York Times и «Википедия». А те, в свою очередь, получают информацию от местных и межправительственных организаций.



Функция будет работать в 220 странах. В некоторых странах даже будет информация о заболеваниях в определенных районах города.

Google Карты уже обновили сервис на Android и iOS. Компания также обещает еще несколько обновлений, связанных с коронавирусом.

## ПРИЛОЖЕНИЯ

### BANK.UZ НАЗВАЛ ЛУЧШИЕ МОБИЛЬНЫЕ ПРИЛОЖЕНИЯ БАНКОВ

Bank.uz провел исследование мобильных приложений банков Узбекистана и составил предварительный рейтинг лучших приложений.

Участие в исследовании приняли 17 банков. Пятерка лучших банковских приложений:

1. Kapitalbank (Apelsin) — 50 баллов.
2. Sanoat Qurilish Bank (Joyda) — 47 баллов.
3. NBU (Milliy) — 46 баллов.
4. Банк «Ипак йули» (Ipak Yo'li Mobile) — 46 баллов.
5. Народный банк (Xalq Mobile) — 46 баллов.

Рынок банковских приложений за последнее время заметно развивается, отмечают авторы. Абсолютное большинство банков, участвующих в рейтинге, реализовали в своих приложениях возможность переводов с карты на карту, привязки международных карт Visa или Mastercard и конвертации сумов в доллары, оплаты коммунальных услуг, штрафов, мобильной и интернет связи. Все больше банков дает возможность клиентам открыть вклад через приложение.

«С другой стороны, даже пандемия не заставила большинство банков позволить клиентам открывать счета удаленно, используя приложение. Почти у половины банков участвующих в рейтинге все еще нет возможности заказать карточку онлайн. Банки, которые дают такую возможность, получили весомое преимущество перед другими участниками рынка во время режима самоизоляции», — отмечают авторы рейтинга.

На рынке появились новые услуги, которые могут помочь банкам привлекать больше клиентов, включая виртуальные карты, кешбек, пополнение счетов в популярных международных платежных системах, а также прямые переводы на карты Visa.



Кроме того, маркетплейсы интегрированные в банковские приложения, которые стремительно набирают популярность зарубежом, пришли и в Узбекистан.

Онлайн-магазин уже реализован в рамках приложения Joyda, а также как минимум два других банка планируют запуск своих маркетплейсов.

#### Как оценивали

По 30 критериям, сгруппированным по разделам (цифровой офис, переводы, карты, обмен валют, оплата услуг, вклады, кредиты, другие возможности). Рейтинг составлялся на основе данных предоставленных банками.

Bank.uz обратился за информацией ко всем банкам и получил данные о мобильных приложениях от 17 банков, работающих на рынке Узбекистана.

Рейтинг, носящий предварительный характер, составлен в рамках первого этапа годового исследования по определению победителя в номинации «Лучшее мобильное приложение банка 2020».

Если на первом этапе, рейтинг составлялся на основе данных полученных от банков, на втором этапе приложения будут оценены экспертами Bank.uz.



## IT ПОМОГ В ОРГАНИЗАЦИИ онлайн приема в специализированную ИКТ-школу имени Мухаммада ал-Хоразмий

С 25 сентября проходят вступительные экзамены в Специализированную школу по углубленному изучению ИКТ имени Мухаммада ал-Хоразмий на 2020/2021 учебный год. С учетом пандемии коронавируса было принято решение провести вступительные экзамены онлайн воспользовавшись опытом и платформой для тестирования Университета ИНХА в Ташкенте.



«Международные и местные специалисты Университета ИНХА в Ташкенте также участвуют в онлайн экзаменах школы в качестве экспертов. Мы рады поделиться корейским опытом проведения онлайн экзаменов. В информационной системе приема продумано все до мелочей, чтобы избежать списывания и нечестного прохождения испытаний. Здесь учитывается расположение монитора ноутбука, телефона в режиме записи, звук и многое другое. Очень важная и ответственная работа ложится на плечи наблюдателей, которые фиксируют все детали процесса. Хочу отметить, что процесс подобной организации вступительных экзаменов проводится в Узбекистане впервые», — рассказал первый проректор по учебной работе Ли Донг Вон.

Отметим, в этом году Университет ИНХА в Ташкенте впервые провел вступительные экзамены полностью в режиме онлайн. Успешный опыт показал возможность соблюдения четких правил наблюдения и проведения полностью прозрачных экзаменов с выявлением лучших поступающих из лучших.

Экзамены в Специализированную ИКТ-школу имени Мухаммада ал-Хоразмий также, как и в Университет ИНХА в Ташкенте прошли в два этапа. Первый этап включил в себя онлайн-тестирование и логические задания, выполнить которые необходимо под четким наблюдением прокторов и экспертов в режиме онлайн, вторым этапом является онлайн собеседование только для успешно прошедших первое задание учеников.


### ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА

## СИНГАПУР СТАНЕТ ПЕРВОЙ СТРАНОЙ С ПРОВЕРКОЙ ЛИЦ ДЛЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИФИКАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ

Сингапур станет первой страной в мире, которая будет использовать проверку лица в своей национальной системе идентификации, сообщает Би-би-си.

Биометрическая проверка предоставит сингапурцам безопасный доступ как к частным, так и к государственным услугам. Государственное технологическое агентство заявляет, что это решение станет «фундаментальным» для цифровой экономики страны.

Система была опробована в банке и сейчас внедряется по всей стране. Она не только идентифицирует человека, но и гарантирует, что он действительно физически находится в данном месте. Технология будет интегрирована в SingPass и позволит получить доступ к государственным услугам.



Сингапурские технологии уже используются в киосках, отделениях налоговой службы страны, а один из крупных сингапурских банков, DBS, позволяет клиентам использовать только лицо для открытия онлайн-счета.

Представители компании GovTech Singapore считают, что эта технология будет полезна компаниям, поскольку они могут использовать ее, не создавая инфраструктуры самостоятельно.

### НАУКА

## УЧЕННЫЕ ПОКАЗАЛИ МИКРОРОБОТОВ, КОТОРЫЕ СПОСОБНЫ ПОЙМАТЬ МУХУ

Международная команда исследователей Университета Иоганнеса Кеплера (JKU) разрабатывает роботов из мягких материалов. Новая статья в журнале *Communications Materials* демонстрирует, как эти виды мягких машин реагируют, используя слабые магнитные поля, чтобы двигаться очень быстро. Им даже удается быстро схватить муху, которая приземлилась на них.

«Когда мы представляем движущуюся машину, такую как робот, мы представляем что-то,

в значительной степени сделанное из твердых материалов», — объясняет Мартин Кальтенбруннер. Он и его команда исследователей из отдела физики мягких материалов JKU и лаборатории мягких материалов ЦТ работают над созданием системы на основе мягких материалов. В основе создания подобных систем лежит идея создать благоприятные условия, которые будут поддерживать тесное взаимодействие между роботом и человеком в будущем и без возможного физического вре-

да от прочных механических машин.

Ученые представили новый подход к электромагнитным двигателям. Вместо медной проволоки и железа, основными ингредиентами в мягких роботах стали эластичные материалы и жидкий металл. Ученые также недавно представили новый тип биогеля, который является эластичным, гибким и достаточно стабильным, чтобы в сочетании с электронными компонентами создать своего рода «мягкого робота».



## TESLA В ТЕЧЕНИЕ 6-10 НЕДЕЛЬ ПРЕДСТАВИТ ПОЛНОСТЬЮ АВТОНОМНЫЙ БЕСПИЛОТНИК

Глава Tesla Илон Маск заявил, что «в течение 6-10 недель» они представят автопилот нового уровня, который позволит водителю не следить за дорогой. Сначала его представят для ограниченного числа клиента, а затем — для всех желающих.


«Людам довольно сложно судить о прогрессе автопилота, — отметил Маск на мероприятии для акционеров. — Я вожу на самой последней, альфа-версии автопилота, поэтому могу точно сказать в чем он стал лучше. Например, я практически не вмешиваюсь в процесс езды от дома до работы. Ожидайте ограниченный запуск через 6-10 недель», — заявил он.

Сейчас электромобили Tesla работают с автопилотом второго уровня. Это «частичная автоматизация» — то есть программное обеспечение может управлять рулем, скоростью и торможением, но в экстренных ситуациях может не отреагировать на происходящее. Тогда ему нужна помощь водителя.

«Нам пришлось фундаментально переделать почти всю программную часть автопилота. Теперь он фиксирует и анализирует мир в 3D-видео, это сильно отличается от того, как было раньше — отдельные 2D-изображения. Теперь мы помечаем целые сегменты видео, берем все камеры одновременно и помечаем их как информацию для анализа. Изысканность нейронной сети автомобиля и общая логика устройства значительно улучшены», — заявил Маск.

## СТЕНЫ ИЗ НОВОГО МАТЕРИАЛА СДЕЛАЮТ ЛЕТНЮЮ ЖАРУ БОЛЕЕ ТЕРПИМОЙ

Исследовательская группа в Корее разработала новый материал для строительства стен, который может уменьшить проникновение тепла извне. О результатах исследования сообщает журнал *Energy Conversion and Management*.



Команда, возглавляемая доктором Сарнгу Ву Карнгом из отдела национальных исследований Корейского института науки и технологий (KIST), успешно сократила проникновение тепла через стены здания с помощью материала с фазовым переходом (PCM — phase change materials).

PCM — это материалы, которые поглощают или выделяют тепло из/в окружающую среду, но не изменяют температуру во время фазового перехода. Один из самых распространенных видов таких материалов — парафиновое масло, которое используется для изготовления свечей. Твердые PCM можно применить при строительстве стен здания, чтобы заблокировать проникновение тепла внутрь.

Команда доктора Карнга использовала в создании новой технологии пузырьки. Инъекция пузырьков в нижнюю часть PCM во время его фазового перехода позволило обеспечить равномерную циркуляцию вещества в жидкой фазе.

Ученые надеются, что изоляционная стена из PCM с использованием генератора пузырьков будет способствовать снижению количества энергии, используемой для обогрева или охлаждения здания.

## 10 | МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ

ТИЛ – ЎТМИШИМ, БУГУНИМ,  
КЕЛАЖАГИМ

Жаҳонда ўз она тилини улуғлаган, унинг шаъни, обрўси учун курашмаган халқни топиш мушкул. Тилда ҳар бир халқнинг асрлар давомида босиб ўтган йўли, тарихи, миллий қадриятлари, урф-одатлари, маданияти ва санъати, маънавияти ўзининг яқол ифодасини топган бўлади.

Муҳтарам Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида мамлакатимизнинг келгусидаги ривож, тинчлик ва фаровонлиги, дунёда тинчликни сақлаш учун республикаимизда олиб бориладиган ишлар тўғрисидаги маърузасини ўзбек тилида сўзлади. Бу эса миллий тилимизнинг раънақини жаҳон ҳамжамияти афкор оммаси олдида яна бир пағона кўтариб, ўзбек тили ўз нуфузида, неча-неча асрлар силсиласида ташқи ва ички омиллар ҳисобига сайқаллиниб, XXI асрга буйдош жарангида янгради, десак хато қилмаймиз.

Шу боис, ёшларни ақлан етуқ, маънан баркамол этиб тарбиялашда, уларни она тилига муҳаббат руҳида камол топтиришда олиқ таълим муассасаларининг ҳам хизмати бекиёсдир.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида тахсил олаётган талаба-ёшлар учун ўз мутахассисликлари билан бир қаторда, ўзбек тили қонунқоидалари, она тилимизда олиб бориладиган иш юритиш ҳужжатлари, шунингдек, компьютер лингвистикаси каби фанлар ҳам ўқитилмоқда.



Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби ТАТУ Қарши филиалида ҳам инновацион технологиялар давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиляпти. Хусусан, таълим муассасасида давлат тилини ўргатиш ва талабалар билан даражасини баҳолаш тизими янада тақомиллаштирилмоқда, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Профессор-ўқитувчилар томонидан яратилаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дарс ишланмалари давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш мақ-

садига қаратилгандир.

Юртбошимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллик маросимида таъкидлаган "Миллий давлатчилигимиз ва ўзлимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади" деган фикрлари филиалнинг ҳар йилги 21 октябр - Ўзбек тили байрами кунини кенг нишонлаш бўйича олиб бораётган амалий ишларига дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни вақтда филиалда "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси ташкил этилган бўлиб, унда малакали профессор-ўқитувчилар ахборот технологиялари йўналишида тахсил олаётган талаба-ёшларнинг ўзбек тили ва компьютер тили саводхон-

лигини ошириш бўйича тахсил бериб келмоқда.

Шунингдек, ёшлар учун мунтазам равишда компьютер саводхонлигини мукамал ўргатишга йўналтирилган терминологик, қисқа, суратли луғатлар, инновацион лойиҳалар туркумида Қарши шаҳрининг тарихий ёдгорликларида онлайн саёҳатни ташкиллаштиришга мақсадли ўзбек, рус, инглиз тилларидаги онлайн хариталар, тил мутахассислари ва иқтидорли талаба-ёшлардан иборат жамоавий "Тил - ўтмишим, бугуним, келажагим" номли доимий лойиҳалар, улар мажмуида эса "Ёш АКТ мутахассисининг ўзбек тилига хурмати" ширин остидаги иншолар танлови ҳар йилги сингари бу йил ҳам онлайн ташкиллаштириш саъй-ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир. Шу маънода ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқро миқёсдаги обрў-этиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялашда барча таълим муассасалари каби ТАТУ Қарши филиали ўқитувчи-мураббийлар жамоаси ҳам яқдиллик билан фаолият юритмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Xabar"нинг Қашқадарё виллоятдаги мухбири

ДАВЛАТ ТИЛИ МИЛЛИЙ  
ҚАДРИЯТ ДЕМАҚДИР

21 октябрда Ўзбек тилига қонунга мувофиқ Давлат тили мақоми берилгандан буён, ўзбек халқи ушбу кунни байрам қилиб нишонлашни бошлади. Бу йил Давлат тилининг 31 йиллиги байрамога шуқуҳ билан нишонлаш кўзда тутилган.

Ушбу санага бағишланган байрамо тадбирлар мамлакатдаги барча шаҳар ва туманларда ўтказилиши, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида синф йиғилиши ва ижодий ишлар қабул қилиниши режалаштирилган. Мамлакатимизда театр ва кинотеатрларда, маданият саройларида буюк алломалар ҳақидаги спектакллар, бадий ва ҳужжатли филмлар намоиши кўзда тутилган.

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир, дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида.

Дарҳақиқат, Ўзбек тилимиз ўзининг жозибдорлиги, нафислиги, бойлиги билан дунё маънавияти хазинасига бебаҳо улуш қўшиб келмоқда. Ўзбек тилининг пайдо бўлиши ва тараққиёти узоқ тарихга эга. Бу борада жаҳон маъ-

навияти хазинасига улкан улуш қўшган буюк аждодларимизнинг хизматлари бекиёсдир.

Давлат тили мақомига эришгандан сўнг ўзбек тилига бўлган эътибор янада кучайди. Бежиз эмаски, қадим-қадимдан бери ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келаётган буюк қадриятдир.

Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жабҳаларида - давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқро минбарлардан баралла янграмоқда.

Бизнинг бу кунги катта вазифамиз келажақ авлодга аждодлардан мерос бўлиб келаётган тилимизни асраш масъулият ҳиссини сингдириш, тилимизни дунё тиллари қаторидан ўрин олишида ўзларининг ватанпарварлик туйғуларини намоён эта оладиган қилиб тарбиялашдир.

Раъно ҲАМИДОВА,  
UNICON.UZ  
маркетинг ва сифат менежмент  
tizими илмий-тадқиқот бўлими  
1-тоифали муҳандиси

ХАЛҚ РУҲИНИНГ  
КЎЗГУСИ

Миллий меросимизнинг асослари билан бири сифатида она тилига бўлган улкан эътибор тўғрисида 1989 йил 21 октябрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Унда мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши, дини ва миллатидан қатъи назар ҳар бир фуқаро ўз она тилида таълим, ахборот, зарур маълумотларни олишининг кафолатланган ҳуқуқлари белгилаб қўйилди.

Она тилимиз тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, у халқимизнинг бой ва шонли ўтмиши билан бирга ривожланиб, сайқал топиб келганлигининг гувоҳи бўлаемиз. Бу тил ўз халқи билан бирга не не жафоларни бошидан ўтказмади. Истилочилар томонидан бой маданий меросимиз бўлган қанчадан-қанча ноёб қўлёзмалар, адабиётлар йўқ қилинди. Улар халқимизни ўзига қарам қилишда, аввало, халқимизнинг ўз тили, тарихи, маданияти ва миллий гуруридан жудо этишга уринганликлари айни ҳақиқат. Узоққа бормайлик, ўтган 70 йил давомида собиқ шўро давлати миллат бошига не-не қўруқликларини солмади. Улкан тарихий обидаларимиз, муқаддас қадамжоларимиз оёқ ости қилинди, таҳқирланиб, топталди. Энг ачинарлиси, ўз туғилиб ўсган она юртимизда динимиздан, тилимиздан жудо қилишга уринишлар бўлди.

Миллат бошида балққан истиқлол кўеши сабаб юртга ўзлимиз билан бирга, она тилимиз ҳам қайтди. Бугун она тилимиз нафақат миллий маконда, балки жаҳон минбарларида баралла янграмоқда. Оламшумул ютуқларни қўлга киритиб келаётган фарзандларимиз шаънига ўзбек тилида давлатимиз мадҳияси баралла янграмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ҳар йили 21 октябрда Давлат тили кунини нишонлаш яхши анъанага айланган. Уни қўллаш доираси жуда кенгайтирилди. Наشر этилган тадқиқотлар, ўзбек тилининг ривожланишига қаратилган қатор илмий ишлар ҳимоя қилинди.

Бу каби ислохотлар меваси - Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг давлат тилини ўрганиши ва унинг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишлари учун шароитлар яратилган.

Тил - миллат, халқ руҳининг кўзгуси. Кўзгунинг янада шаффоф, тиниқ ва соф бўлиши эса ўзимизга боғлиқ. Зеро, тилни эъзозлаш, энг аввало, халқни, миллатни, бугунни ва албатта келажақни авайлаш демақдир.

Жамила ЗОКИРОВА,  
"Хавфсиз шаҳар" жамоат тартибига  
қўмаклашиш маркази етакчи  
мутахассиси

Нурулдин ИМИНОХУНОВ:

# "КЕЛГУСИДА ЎЗ КОМПАНИЯМГА АСОС СОЛМОҚЧИМАН"

Яқинда ёш ҳамюртимиз (22 ёшда) Нурулдин ИМИНОХУНОВ Facebook (Pro Unlimited@Facebook) компаниясида маҳсулот ривожланиши бўйича масъул мутахассис (Product Growth Specialist) сифатида иш бошлади. Эндиликда у Facebook, Instagram ва Whatsapp иловаларининг Марказий Осиёда маҳсулот сифатида ривожланишига ҳисса қўшади.

Нурулдин Иминохунوف Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети маммулаган. У билан компаниядаги иш фаолияти, ижтимоий тармоқлар, режалари ва бошқа мавзуларда суҳбатлашдик.

– Нурулдин, аввало Facebook компаниясида маҳсулот ривожланиши бўйича мутахассис сифатида иш бошлаганингиз билан табрикламан! Суҳбатимизни компанияга қандай ишга олинганингиздан бошласан.

– Аввало, табрик ва суҳбатга тақдир қилганингиз учун катта раҳмат! "Xabar.uz"га интервью бераётганимдан хурсандман.

Саволингизга тўхталадиган бўлсам, жорий йилнинг апрел ойи охирида HR-компаниядаги ишга олувчи рекрутер орқали хат келди. Унда Facebook компаниясида contractor сифатида янги ўрин очилаётгани, бу ўриндаги инсон Марказий Осиёда Facebook дастурлари оиласи (Facebook, Instagram ва WhatsApp)нинг ўсишига масъул бўлишини айтишди.

Мен суҳбатлардан ўтиб қўришга қизиқдим ва жараёни бошладик. Ишга қабул қилиш бўйича суҳбат тўрт босқичда бўлиб ўтди. Биринчи иккита босқичда 45 дақиқалик умумий суҳбатлар ўтказилди. Мазкур босқичларда мендан Product management бўйича асосий билим ва маҳоратларимни тест қилишди. 3-босқич on-site интервью кўринишида бўлди – одатда компания офисда бир кун давомида тўртта суҳбат ўтказилди. Ҳозирги пандемия туфайли биз бу суҳбатларни кетма кет тўрт кун давомида бир соатдан ташкиллаштирдик. Бу қисмда Product Sense, Product Execution, Leadership, Analytical skills бўйича суҳбат қилишди.

Бу суҳбатлардан ўтганимдан кейин яна бир номзод шу босқичга етиб келгани ва кучлар тенг бўлганлиги учун яна бир қўшимча суҳбат ўтказишмоқчилигини айтишди. Бир соат давомида бўлиб ўтган бу суҳбатдан сўнг менга 10 кунлар оралиғида ишга қабул қилинганлигим ҳақида жавоб йўллашди. Бутун жараён тўрт ойдан ортиқ давом этди.

Компаниядаги асосий вазифам Марказий Осиёда Facebook дастурлари оиласи ўсишига керакли имкониятлар борлиги ва уларни яратиш билан шуғулланишига қаратилган.

– Нега ахборот технологиялари соҳасини танлагансиз?

– Болалгимдан уйда компьютер бўлганлиги учун унга қизиқишим ортган. Очиғи, бошида унда уйдагилар учун кичик юмушларни бажариб юрдим, кейин ўзим ҳам қизиқиб кетганман. Аввалига Photoshop дастурида расмларни ўзгартиришга қизиққанман. Ундан кейин эса интернетда (у пайтлар ҳали Dial-Up эди) сайтлар ясаш бўйича бошланғич билимларни ўргандим. Кейинчалик қизиқишим жиддийлашиб, олдин дастурчи, кейин эса Product соҳасида мутахассис бўлдим.

– Мамлакатимизда IT-соҳани ривожлантиришга эътибор юқори. Мутахассис сифатида ушбу жараёнларни янада тақомиллаштириш учун тақдирларингиз борми?

– Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги статистикасига кўра, Ўзбекистоннинг 22,5 миллион аҳолиси интернет фойдаланувчиси ҳисобланади. Билишим бўйича, охириги уч йилда бу сон олдинга кескин ўсиб, кейин секинлашган. Шу нуқтаи назардан интернет ва аҳолининг кўпроқ қисмини интернет билан таъминлаш орқали янги IT-сервисларга талаб ортади. Дастурчилар ва IT-соҳадаги бизнеслар сони кўпайиши керак, шу тариқа бу турдаги талаб қондирилади, деб умид қиламан.

– Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда Telegram мессенжери оммабоплиги жиҳатдан Facebook, Instagram ва WhatsApp тармоқларига қараганда олдинда. Сизнингча, бунинг сабаби нимада, умуман, Facebook дастурлари оиласини қандай ривожлантиришмоқчисиз?

– Ўйлашимча, бунга асосий сабаб бир неча йиллар илгари WhatsApp тармоғининг блокляниши ва бунинг ортидан Telegram мессенжери фойдаланувчилар оқимининг ортиши бўлган. Ўз навбатида, Telegram ҳам ривож-

Facebook тармоғида 2 миллиарддан ортиқроқ фаол фойдаланувчилар бор ва бу рақамлар кундан-кунга кўтарилиб борапти. Ишонаманки, Facebookдаги янги имкониятлар Ўзбекистондаги фойдаланувчилар эътиборини тортади ва ўсишда давом этади.

ланишдан тўхтамади. Бир сўз билан айтганда, ҳозир унинг мамлакатимизда мулоқот воситаси сифатидаги ўрни катта. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда Facebook ва Instagram имкониятларига кўпроқ урғу берсак керак. Лекин бу фақат Ўзбекистонгагина тааллуқли, холос. Масалан, бошқа қўшни мамлакатларнинг баъзиларида WhatsApp, баъзиларида Viber кабилар етакчилик қилади.

– Айрим таҳлилчиларнинг фикрича, Facebook тармоғини келгусида "Одноклассники" тақдири кутиб турибди. Яъни, Facebook ҳам худди "Одноклассники" сингари оммабоплигини йўқотиши мумкин дейишмоқда. Бунга муносабатингиз қандай?

– Менимча бу фараз хато. Чунки ҳозир Facebook тармоғида 2 миллиарддан ортиқроқ фаол фойдаланувчилар бор ва бу рақамлар кундан-кунга кўтарилиб борапти. Ишонаманки, Facebookдаги янги имкониятлар Ўзбекистондаги фойдаланувчилар эътиборини тортади ва ўсишда давом этади.

– Бундан бир неча йиллар илгари Ўзбекистонда ҳам muloqot.uz, sindosh.uz каби бир қанча ижтимоий мулоқот тармоқлари фаолият бошлаган эди. Бироқ улар етарлича оммалашмади. Бунинг сабабини нималарда кўрасиз?

– Ижтимоий тармоқ ўз ўрнига эга бўлиши учун унинг ичиндаги дўстларимиз тармоғи кучли бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу кўп вақт ва инвестиция талаб қиладиган соҳа.



Менимча, баъзи ижтимоий тармоқлар давлат томонидан яратилганлиги бир сабаб бўлган бўлса, бошқаларига Product management ва яхши User experience етишмаган, деб ўйлайман. Бундан ташқари, балки ўша пайтда бозорнинг ўзи тайёр эмаслигини, етарли талаб бўлмаганлигини ҳам келтириб ўтишим мумкин.

– Суҳбатдошларга берадиган доимий саволимиз: китоб ҳам мутлоа қилиб турасизми?

– Ҳа, албатта. Асосан ўз соҳам ва шахсий ривожланиш бўйича китоблар ўқишни яхши кўраман. Масалан, Нир Эялнинг Indistractable китобини яқинда ўқиб тугатдим. Китобда чалғитувчи таъқиқ омилар ва уларнинг олдини олиш усуллари яхши очиб берилган.

– Келгусидаги режалар?

– Яқин келажақдаги режаларим ҳозир ўзим эгалаб турган вазифа орқали Ўзбекистон ва Марказий Осиё учун фойдали ўзгаришлар қилиш. Кейинроқ эса IT-компания ёки стартапни йўлга қўйиб, ривожлантиришни ният қилганман.


Фурсатдан фойдаланиб, шу даражага етиб келишимга ва ютуқларга эришимизда ҳар доим қўллаб турган оила аъзоларим ҳамда жамоадошларимга катта раҳмат айтмоқчиман.

"Xabar.uz" тахририяти жамоасига ҳам соғлиқ ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

Нурилло ТЎХТАСИМОВ суҳбатлашди

## 12 КУН МАВЗУСИ

Нам ва салқин ҳаво вируслар учун доим қулай шароит ҳисобланган. Демак, куз-қишда коронавируснинг авж олиш эҳтимоли йўқ эмас. Лекин ҳар бир манзил ва маконнинг эгаси бўлганидек, ушбу мавсумларда асосан грипп, парагрипп, ўткир респиратор касалликлар, реино сингари бир қанча ҳаво-томчи йўли билан юқадиган хасталикларга дуч келамиз. Аммо...



# КОРОНАВИРУС

## БИЗ БИЛАН ҚОЛАДИМИ?



**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Нурмат ОТАБЕКОВ барча саволларга очиқчасига жавоб берди.**

– Ён-атрофимиздаги давлатлар билан солиштирганда бизда коронавирус билан боғлиқ вазият қандай?

– Бугун ҳамма кундалик статистикадан хабардор. Ҳозирда республикамиз бўйлаб кунига 600га яқин бемор қайд этиляпти ва биз касалланиш бўйича ҳамдўстлик давлатлари ичида ўрта даражада турибмиз. Лекин умумий аҳоли сонига нисбатан оладиган бўлсақ, кўрсаткичимиз анча яхши. Бироқ бу зинҳор хотиржамликка ёки ўта саросимага тушишга асос бўладиган ҳолат эмас. Қолаверса, Ўзбекистонда қайд этилаётган беморлар статистикаси ҳар кун уч маротаба янгиланиб, аҳолига етказилляпти.

Касалланганлар нафақат ҳудудлар, балки ёшга қараб, касб-корлар бўйича ҳам рўйхатга олинапти. Муҳими, беморларни даволашда дунё ҳамжамияти эътироф этган тактика қўлланиляпти. Яъни жуда энгил кечганда амбулатория-поликлиника шароитида, ўрта оғирликда саралаш пунктларига жойлашти-

риш ва даволаш, оғир ва ўта оғир ҳолатларда эса тўғридан-тўғри шифохонага ётқиши.

Айни пайтда беморларнинг мурожаат қилиши ёки шифохонага ётқизилиши борасида ҳеч қандай муаммолар йўқ, 50 мингдан ортиқроқ шифо ўринлари бўш турибди. Бундан кўриниб турибдики, эпидемик вазиятимиз ваҳима қиладиган ҳолатда эмас. Аммо касаллик қайд этилишда давом этар экан, бу қайсидир даражада одамларимизни ҳушёр тортишга, сергак бўлишга ундаши керак. Чунки вирусни юқтириш эҳтимоли юқтирмастикдан юқори.

Касаллик қўзғатувчиси атрофимизда айланиб юрибди, у тез юқувчан ва кимлардadir энгил ўтапти. Бироқ ёндош касаллиги бор одамларда анча жиддий кечиб, ҳатто ўта салбий оқибатларга олиб келаётганини Ўзбекистон амалиётида ҳам кўзатиб турибмиз ва буни ҳеч биримиз эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

– Одамлар орасида тарқалган "Бу кетишда яна қатъий карантин жорий этиларкан", деган гап-сўзлар қанчалик асосли? Наҳотки, вазият яна жиддийлашаётган бўлса?..

– Тўғри, ижтимоий тармоқларда карантин тадбирлари айнан 15 октябрдан яна кучайтирилган экан, деган гап-сўзлар юрибди. Лекин бу мутлақо асосиз маълумот. Негаки, бизда бу даражадаги аниқлик билан, яна бир ой олдин хулоса бераолдиган "иқтидор" эгаси йўқ.

Энди уни асосиз дейишимга сабаб, мана, биз ҳар томонлама ўйлаб, вазиятни ўрганиб, баҳолаб карантин тадбирларини юмшатдик. Одамлар жамоат транспортларидан фойдаланяпти. Ҳамма ишга чиқяпти, мактаблар, боғчалар фаолияти тикланяпти. Одамлар кўчада бемалол юрибди. Шахсан мен карантин чекловларини кескинлаштириш сабабини кўраётганим йўқ...

Масаланинг яна бир томони, яъни айна вазиятда энг муҳими, тиббиёт тизими шай ҳолатга келтирилди: керакли миқдорда

дори-дармон, асбоб-ускуналар, тестлар, шифо ўринлари тайёрлаб қўйилди. Мутахассисларимиз ҳам ҳар томонлама етилди. Мисол учун, нафақат юқумли касалликлар шифохоналари, балки бошқа профилдаги - терапия, хирургия, болалар хасталиклар бўйича тиббиёт муассасалари ҳам коронавирус билан шуғулланиб кўрди. Ҳаммаси шу касалликка чалингиларни даволаш ишида иштирок этди. Эътиборлиси, марказ билан ҳудудлар телекўприги шаклланди. Айтилиқ, телемулоқот орқали маслаҳатлашув тизими йўлга қўйилди. Хорижлик мутахассислар келди, бизникилар ҳам уларнинг тажрибаларини ўрганишди. Ўзбекистонда сал кам 70 мингта шифо ўринлари яратилди. Ва, минг шукрки, ҳозирда уларнинг 50 мингдан кўпи бўш турганини кўриб ҳам, чеклов тадбирини кучайтиришга асос йўқ дея оламиз.

**Ўзи бундай тадбирлар қачон қилинади, қачонки, касаллик сони кескин ортиб кетиб, унинг жилови қўлдан чиқарилса, муассасалар тегишли тайёргарлик кўрмаган ва бир жойда қотиб қолган ёки ожизлик ҳолатига келган бўлса...**

Энди масаланинг иккинчи томони, биз карантин чекловлари кескинлашмас экан, деган фикрга бориб, ўзимизни бемалолгарчиликка зинҳор ундамаслигимиз лозим.

Масалан, кўча-кўйда кўраимиз, 30-40 фоиз одамгина ниқобларни тўғри тақиб, тўғри ишлашиб юрибди. Лекин орамизда белгиланган талабларга беписанд қараб, амалдаги қонунларни менсимайдиган одамлар ҳам кўп. Дока ниқобни ияги, даҳани ёки қўлоғига илинтириб қўйганлар қанча. Бу яхши эмас. Улар бу қилиқлари билан қонунни писанд қилмаётганини билдиради ва мен бундайларга қайсидир даражада раҳим келади. Негаки улар касаллиқни юқтириб олиши юқори бўлган хавф гуруҳига киради. Коронавируснинг нечоғли жиддий эканини эса бу дардни бошидан ўтказганлар, яқин инсонини йўқотганлар жуда яхши билишади.

– Хабаримиз бор, сиз ҳам шу касалликка чалиниб, уни энгил ўтдингиз...

– Тўғри, мен ҳам коронавирус билан 21 кун олишдим. Ун-гача 4 ой давомида одамларга коронавирус амалиёти, унинг клиник белгилари, таъхисоти, даволаш бўйича нималарни айтган бўлсам, ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, ўз танамдан ўтказдим. Ва шунга амин бўлдимки, биз ҳали бу касалликнинг асо-ратларини яхши билмаймиз, беморларнинг ҳаммаси соғайиб кетади деган фикрдан ҳам йироқмиз. Яна шуни англадимки, кимки кўрқса, тушкунликка тушса, унга қарши курашмаса, тавсияларга риоя этмаса, бу дардга энгилади.

Базан одамлардан "Мен коронавирусга чалиниб бўлдим, энди ниқоб тақмасам ҳам бўлади" деган гапларни эшитяпмиз. Энди тасаввур қилинг, Ўзбекистонда салкам 50 минг одам корона-вирус билан касалланди. Уларнинг бари кўчада ниқобсиз ёки ўрнатилган тадбирларга риоя қилмай юрса, бу вазиятни жиддий ўзгартириши мумкин. Ахир, тузалиб чиққан одамлар ҳам маълум бир

**Болаларда бу касаллик жуда энгил ўтади. Ҳеч қанақа асо-ратлар бўлмай-ди, чунки аксариятида ёндош дардлари йўқ. Демак, улар коронавирусни осон энгишади. Фақат бу бора-да ота-оналари-миз, ўқитувчилар сал сергак бўлишса бас.**

**Менинг бир актёр дўстим бор, бир кун у "Гапирвериб, тилим терлаб нетди" деганди... Қаранг, тарғиботни кимлар қилмади. Тиббиёт ходимлари ёнига барча соҳа ваниллари қўшилди: журналистлар, актёрлар, шоирлар, зиёлилар, ўқитувчилар... Шундай бўлса-да, бизда безътибор одамлар кўп.**

муддат вирусни ташқарига чиқариб туришади. Унинг ҳали 10-20 йилдан кейин қанақа асоратлар беришини ҳам билмаймиз. Бу биз учун нотаниш касаллик қўзғатувчисидир. Шундай экан, биз у билан ҳазиллашмайлик.

Давлатимиз раҳбари, тиббиёт ходимлари бежизга уни кўринмас ёв, яширин душманга қийс-ламаяпти, демак, ҳали унинг имконияти, қирралари, жиҳатларидан беҳабармиз.

Шифохонада ётганимда, кўпчилик менга "3-4 ой телевидениеда тинимсиз гапирганингизда, сизга ишонмагандим. Энди бу ерда тавбаларимга таяниб ётибман. Ушанда тавсияларингизга амал қилмаганимга афсусдаман", дейишди. Ҳеч бир ҳаракатсиз, фақат ўйлар гирдобига ботган ва кўз юмган одамларни кўрдим у ерда. Шундай экан, биз бу касалликка беписанд қарамаслигимиз керак. Майли, ўша кўчада ниқобсиз юрган одамлар ўз саломатлигига бефарқдир, соғлиги уларни қизиқтирмас, бироқ сизу бизнинг саломатлигимиз билан ўйнашишга уларнинг ҳаққи йўқ.

**– Шу ўринда ҳамюртларимизда нега унда улар назорат қилинмаяпти, деган савол тугилиши мумкин...**

– Тўғри айтасиз, энди қаранг, 34 миллион аҳолимизнинг, майли, 15 миллионини фаол деб олсак, соҳада назорат қилувчи ходимларимизнинг умумий сони мингдан сал зиёдроқ. Улар ҳар қанча уринмасин 15 миллион одамни назорат қилолмайди. Демак, бизда жамоатчилик назорати бўлиши керак. Бир-биримизга эътироз қилиш, танбеҳ бериш, эслатиб қўйиш кабиларни ўргатишимиз даркор. Мен уришиб, сўкиб, койиб беринг деган фикрлардан жуда йироқман. Лекин "Кечирасиз, шу доқа ниқобингизни тўғри тақиб олинг" дейишни ўрганишимиз шарт.

Ҳаммамиз ўзбекчилик деган гапни кўп эшитганмиз. Нега қозқочилик, қирғизчилик, туркманчилик ёки русчилик дейилмайди. Чунки биз ўз бефарқлигимизни мана шунга ўхшаш сўзлар билан ҳимоялашга уринамиз. Аммо биз одамларни тарбияга чақириб, ўрнатилган тартибга риоя этишни ўргатишда нафақат назорат қилувчи органлар, балки давлатимизга ҳам ердан беришимиз керак.

Менинг бир актёр дўстим бор, бир куни у "Гапиравериб, тилим терлаб кетди" деганди... Қаранг, тарбиотни кимлар қилмади. Тиббиёт ходимлари ёнига барча соҳа вакиллари қўшилди: журналистлар, актёрлар, шоирлар, зиёлилар, ўқитувчилар... Шундай бўлса-да, бизда безътибор одамлар кўп. Демак, уларга таъсир қилиши мумкин бўлган барча имкониятларни ишга солишимиз лозим. Биз бошқаларни, яъни ўзимизни, оила аъзоларимизни, ёши улуг, ёндош касалликлари бор бобо ва буви-ларимизни ҳимоя қилиш ҳақида

ўйлашимиз зарур. Уларнинг аксарияти бу касалликдан қаттиқ азият чекаяпти. Кўпчилиги ҳаётдан кўз юмаяпти. Шуларни кўз олдимизга келтиришимиз даркор.

**– Сизнингча, коронавирус инсониятни қачонгача таъқиб этади?**

– Биласизми, балки, бу касаллик қўзғатувчиси биздан умуман кетмас, эҳтимол, у одамзод билан бир умрга қолиш учун келгандир... Бир пайтлар эпидемиология фани оталаридан бўлган олим - Виталий Беляков "Юқумли касалликлар қолиш учун келади", деган фикрни айтганди. Балки, биз бора-бора коронавирусни ҳам грипп ёки оддий респиратор касаллик сифатида кўриб, билиб, яшаб юраверадиган ҳолатга келармиз. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, эрта-индин касаллик тугайди, ҳаммамиз эркин, боягидек, 2000-3000 одамни йиғиб тўй қиламиз, катта-катта тадбирлар, йиғинлар ўтказамиз, деган фикрлардан ўзимизни тийиб туришимиз керак. Негаки, биз бу вируснинг бор қирраларини билмаймиз, қандай "сюрприз"лар тайёрлаб қўяганини ҳам тасаввур қилолмаймиз.

**– Унда вирус чекинмай туриб мактабларнинг очилиши қанчалик тўғри? Бундай қарорга қелиш осон кечма-қандир?..**

– Мен бу қарорни жуда тўғри деб биламан. Ахир, фарзандларимизни бир умр уйда қамаб ўтиролмаймиз-ку. Кейин мактабдан оладиган кўникмаларни ҳеч қачон уйда беролмаймиз. Эътибор қилсангиз, биз болалар невараларимиз билан фақат битта мазмун ва йўналишда гаплашамиз. Яъни кўпроқ уларнинг эркинлигини чеклашга қаратилган: уни қилма, овозингни чиқарма, уришма, талашма ва ҳоказо. Мактаб эса нафақат таълим маскани, балки фарзандларимиз камолотида ҳам муҳим рол ўйнайдиган бўғиндир. Мисол учун, бола эр-талаб мактабга бориш масъулияти билан уйдан чиқиб кетади. Дарсни ўзлаштириш жараёнида кимлардан ўзишга бўлган ҳаракат – интилишни пайдо қилади, ўқитувчилар томонидан берилган топшириқларни уйга келиб бажариш орқали эса жавобгарлик ҳисси уйғонади. Мактабда ниманидир баҳслашиб, талашиб олиш асносда ўз шахсини ҳимоя қилиш кўникмаси шаклланади, тенгқурларини ёндан кузатиб, ўзига озгина оро бериш, солиштириш жараёнида бошловчилик, лидерлик хислатлари ортади. Тан оламизми-йўқми, лекин булар ҳеч бир оилада берилмайди. Тўғри, бола отасига ўхшаб дўхтир, онасидек ўқитувчи бўлишни ният қилар, лекин мактабнинг муҳити бошқа. Бу улуг даргоҳнинг бизга берадиган инъоми катта. Албатта, мактабда мулоқот кўпроқ бўлгани учун касалликлар аниқланиши, очилганлари қайтадан ёпилиши мумкин. Майли, нима қиламиз, илож



қанча. Лекин болаларимиз уйда қолса, жуда кўп нарсани йўқотиши аниқ.

Кўп бора таъкидлаганимиздек, болаларда бу касаллик жуда енгил ўтади. Ҳеч қанақа асоратлар бўлмайди, чунки аксариятда ёндош дардлари йўқ. Демак, улар коронавирусни осон енгишади. Фақат бу борада ота-оналаримиз, ўқитувчилар сал сергак бўлишса бас. Бирорта касаллик белгиси бор бола қулоқ тинчи учун мактабга юборилмаса, ўзида кичик аломатни сезган ўқитувчи мактабга бормаса, ўқув даргоҳларидаги эрталабки филтрлар, махсус барьерлар тўғри ва фаол ишласа. Ҳар бир ходим фаолиятига масъулият билан ёндашса, ҳаммаси яхши бўлади...

Лекин мен аниқ биламан, мактаб ва олий ўқув юртлари онлайн таълимга ўтиб, болаларимизда ўқув даргоҳларида бевосита таълим олиш имкониятининг бир мунча чегаралангани ортидан ҳали ёшларимизнинг ақлий камолот нуқтаи назаридан қанча орқага кетганини исботловчи далиллар пайдо бўлади. Эҳтимол, ҳозир қайсидир институтлар, марказлар бу борада изланишлар олиб бораётгандир. Шунинг учун мен мактаблар очилишини тўғри деб ҳисоблайман. Бироқ, албатта, эпидемияга қарши талабларни бажаришга қодир ва тайёр мактабларгина очилиши зарур.

Ҳозирда барча муассасалар жуда жиддий назорат остига олинган, мутахассислар уларнинг тайёрлиги ҳақида фикр бергач, ҳолат ўша вилоятлардаги кенгашлар томонидан муҳокама қилинади ва депутатлар яхшилаб ўргангач, у ёки бу мактабларнинг очилишига рухсат берилади.

**– Барчамизга маълум, куз фаслида турли юқумли касалликлар авж олади. Сизнингча, коронавирус бу мавсумда ўзини қандай тутади, яъни унинг хатарли тус олиш эҳтимоли борми?**

– Нам ва салқин ҳаво вируслар учун қулай шароит ҳисобланган. Демак, куз-қишда коронавируснинг авж олиш эҳтимоли йўқ эмас. Лекин ҳар бир манзил ва маконнинг эгаси бўлганидек, ушбу мавсумларда асосан грипп, парагрипп, ўткир респиратор касалликлар, реино сингари бир қанча ҳавотомчи йўли билан юқадиган хасталикларга дуч келамиз. Аммо биз бир нарсани билмаймизки, бу вируслар коронавирус инфекцияси билан қандай чиқашади? Яъни улар битта муҳитда ўзарини қандай тутишади? Бир-бирига антагонист – қарама-қаршими ёки синергист – қўллаб-қувватловчимиз?

Маълумки, грипп, парагрипплар, реино сингари инфекциялар аллақачон одамлар вирусига айлиниб улгурган, коронавирус эса ҳайвонлардан келиб чиққан. Агар улар қарама-қарши бўлса, бошқа вируслар коронавирус бўйича эпидемик вазият мураккаблашиб кетишига ҳисса қўшмайди. Мабодо синергист бўлса, унда аҳвол жиддийлашиши мумкин.


Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратас, табиатдаги маълум бир муҳитда икки хил микроорганизм бир пайтнинг ўзида гегемон бўлолмайди. Бундай хислат фақат одамларга хос. Масалан, бир хонадонга кирган одам икки хил ниқиб қилиши мумкин: бири яхши, бири ёмон. Лекин микроорганизмларда бундай гирромлик йўқ. Улар ўз табиатига хос хислатларга содиқ. Демак, ҳозирги коронавирус эгаллаб турган манзилга содиқ вируснинг кириб келиши ва уни сиқиб чиқариши эҳтимолдан анча йироқ ҳолат. Шу боис коронавирус касаллигининг ўзи кетиш хоҳишини пайдо қилмагунча, унга қарши эҳтиёт чораларимизни қўллашимиз керак.

Шоҳида ИСРОИЛОВА сўхбатлашди

*“Бу касаллик қўзғатувчиси биздан умуман кетмас, эҳтимол, у одамзод билан бир умрга қолиш учун келгандир... Бир пайтлар эпидемиология фани оталаридан бўлган олим - Виталий Беляков "Юқумли касалликлар қолиш учун келади", деган фикрни айтганди. Балки, биз бора-бора коронавирусни ҳам грипп ёки оддий респиратор касаллик сифатида кўриб, билиб, яшаб юраверадиган ҳолатга келармиз.*

## 14 | МАШАҚҚАТ ВА ГОЛИБЛИК

“Супер 30” Ҳиндистон фильми Ўзбекистонда кўпчилиكنинг эътиборини тортди. Филм Ҳиндистондаги камбағал оиладан чиққан, билим олишга имконияти йўқ ўттиз нафар йигит-қиз ҳамда бир ўқитувчининг илм йўлидаги машаққатли ғалабаси ҳақида.



# “СУПЕР 30”га ТАТИЙДИГАН ВОҚЕАЛАР

ёхуд ўзбек Ҳожимуродлари ҳақида ҳам филм ишланса арзийди

Биз одатда ўзга юртлардаги қаҳрамонликлар ҳақида тўлқинланиб гапираму аммо кўз ўнгимизда бўлиб турган шундай воқеаларни илғайвермаймиз. Ўзбекистонда ҳам “Супер 30”дан қолишмайдиган воқеалар бор, лекин камтар халқимиз қаҳрамонликка ҳамisha ҳам даъво қилишни ўзига эп кўрмайди. Ҳозир каминани айтиб бермоқчи бўлган воқеа ҳам ораимизда яшаб келадиган айнан шундай одамлар тўғрисида.

2013-2014 йиллар Сурхондарёнинг Шурчи туманида Ҳожимурод исмли йигит тиббиёт коллежини тамомлаб, Тошкент тиббиёт академиясига ҳужжат топширди. У коллежни ва мактабни аъло баҳоларга битирган бўлса-да, ўқишга кира олмади. Уша йиллар ўқишга топширган абитуриентлар яхши билади - у вақтлар Давлат тест марказининг саволлари бугунгидек соддаликда бўлмай, мураккаб тартибда тузилар, ҳатто унча-мунча илмий одамларни ҳам ўйлантириб кўярди. Тестларда дарсликдиган ҳатто аҳамиятсиз кўз илғамас нарса ҳақида ҳам савол тушиб қолардики, бунинг учун ўша дарсликни нуқта-вергулгача ёд олиш керак бўларди. Қолаверса, казо-казоларнинг болалари таниш-билиш орқали катта пул эвазига телефон олиб киришга эришиши осон бўлган, бункер (ўрнига тест ечиб берувчи) йўллашнинг имконлари авжига чиққанди. Ҳатто ўзим ҳам бунга ўша йиллар гувоҳ бўлдим. Кўз ўнгимда телефон ишлатаётган йигит-қизларни хона назоратчисига айтганимда, у парво қилмас, ҳатто текширишга масъул қилинган ички ишлар ходимлари ҳам бунни кўриб, кўрмасликка оларди. Кейинчалик тушундимки, улар олдиндан “сотиб олинган” бўлган. Қолаверса, йиллар давомида репетиторда катта пул эвазига махсус тайёргарлик кўрган болалар ҳам бор эди. Хуллас, яқин ўтмишдаги ўша имтиҳонларнинг бугунгиларидан фарқи бир мунча эди, десам тўри бўлади. Айниқса, тиббиёт соҳасида ўқиш учун фақат

бир йўл: Ё зар, ё ўта зўр бўлиш билангина мақсадга эришиш мумкин эди.

Ҳожимурод билимли бўлишга қарамай, кўплар қатори адолатсизлик деган ботқоқликка ўша йили қарши тура олмади. Лекин у бошқалар каби бу мағлубиятни тан олмай, яна ўқишга тайёрланишга қарор қилди. Бироқ ота-онасининг турмуш-турмуши ночордан ҳам куйи бўлган, дадасининг Россиядан бир жўнатиб, бир жўнатмай қоладиган пули эвазига аранг кун кечирувчи бу оиланинг бошқалар қатори уни кўшимча дарсларга беришга имкони йўқ эди. Шунда Ҳожимурод ўзи каби ўқишга шароити йўқ, лекин ўқиш истагидаги тенгқурларини атрофига тўплашга қарор қилди. Улар етти киши бўлди. Сентябрь-октябрь ойларида бу етти балоғат ёшидаги болалар бир кишининг уйини солиб беришга ёрдамлашади. Ундан олган пули эвазига 3-4 ойга аранг етadиган озиқ-овқат гамлаб, ноябр ойида қишлоқларидан узокроқда бўлган, ташландиқ уйга мустақил ўқиш учун йўл олишади. Айтишингиз мумкин, уйда ҳам ўқиса бўларди-ку деб. Лекин қишлоқда қишин-ёзин кети кўринмайдиган ишлар бунга тўсқинлик қиларди...

Ҳозир сўнги икки йил ичиде тест тизимида катта ўзгаришлар бўлди. Жумладан, бир мисол: у вақтлар саволлар бугунгидек фақатгина 11-синфгача бўлган дарсликлардан тузилмас, 5-синфдан бошлаб 9-синфгача бўлган дарсликлар, коллеж ҳамда лицей дарсликларидан ҳам тўшарди. Улар ҳам мактаб, коллеж лицейларнинг кимё, биология дарсликларини йиғишди. Биологияни ўқитувчисиз ўзлаштира бошлашди. Аммо кимёда масалалар, мисоллар, тушуниш мурак

каб бўлган мавзулар кўп бўлгани учун, ҳар ойда бир атрофдаги мактабдаги кимё фани ўқитувчисига, ўзлаштирган мавзуси устида тушунмаган саволларини тасдиқлаб аниқлаштириб келишга мажбур бўлишарди. 24 соат вақт давомида атига тўрт соат ухлаб, қолган вақтлари фақат мавзуларни ёдлаш, масалалар ечиш билан ўтказиш, бирортаси мавзунини яхши ўзлаштира олмаसा, қолганлар томонидан қаттиқ жазоланиш, егулик тугаб қолган вақтларда қотган нон ва қайнаган сувга қаноат қилиш - булар ўша еттовлонга хос одатлар эди.

Ва ниҳоят кучли ирода ўз мевасини кўрсатди. Улар ўша йилги имтиҳонда атрофдаги айрим кўзбўямачиликлар устидан 36 баъдан кўрсатди. Тўрт нафари Тошкент педиатрия тиббиёт олийгоҳига, учтаси эса Тошкент тиббиёт академиясига қабул қилинди. Ҳожимурод кўрсатди. Улар ўша йилги имтиҳонда атрофдаги айрим кўзбўямачиликлар устидан 36 баъдан кўрсатди. Тўрт нафари Тошкент педиатрия тиббиёт олийгоҳига, учтаси эса Тошкент тиббиёт академиясига қабул қилинди. Ҳожимурод кўрсатди. Улар ўша йилги имтиҳонда атрофдаги айрим кўзбўямачиликлар устидан 36 баъдан кўрсатди. Тўрт нафари Тошкент педиатрия тиббиёт олийгоҳига, учтаси эса Тошкент тиббиёт академиясига қабул қилинди.

**“Ҳар ким эканини ўради”, лекин бугун айрим абитуриентлар эканини эмас, фақат уларга берилганини, белгиланганини ола олди холос! Айтишларича, 189 балл олиб, бюджет насиб қилмаган, аниқроғи, адолатсизлик қўрбон бўлган ушбу талабаларнинг иши Давлат тест марказида қайта кўриб чиқилмоқда экан.**

Збталиқ эди) педиатрия институтининг энг яхши йўналишларидан бирига юқори балл билан ўқишга кирди. Уни охириги марта ўша йили август ойида педиатрия институти эшиги олдида кўрдим.

Мен бу кичкинагина қорамғиз боланинг интилишларида матонатнинг асл қиёфасини кўрдим. Ҳозир ҳам бирор машаққат қаршида қолсам унинг қатъияти, ҳеч қачон енгилмасликка даъват қиладиган сўзлари ёдимга тушади. Бугун карантинда, онлайн таълимда болалар ўқий олмапти, таълим сифати тушиб кетди, деган сўзларни эшитганимда ҳам, бирор онлайн дарсиз, бирор техникасиз тайёрланиб, белгиланган дарсликларни ипидан-игнасида ишол қилган ўша болалар кўз ўнгимда гавдаланади.

Ўзбекистонда Ҳожимуроддек билим олишга ташна, туғма зукко, иродаси бутун ёшлар кўп. Аммо уларнинг Стив Жобс, Билл Гейтс каби марраларга эришиши учун кўп йиллар таълим тизимида айтарли ишлар амалга оширилмади. Тизимдан қониқмаган кўплаб илм аҳли ўзга юртларга чиқиб кетди. Ҳамон кетиш пайида. Қотиб қолган тест тизимининг баҳолаш мезонлари ҳам абитуриентларни тўғри саралашда оқсаб келди. Тестларда ғализ, ўсмир ёшига муносиб бўлмаган саволларнинг йиллар давомида тузилиши, шаффофликнинг йўқлиги, қабул қовалари сони камайиши, хусусий ОТМларнинг очилишига замин яратилмагани, сиртки, кечки таълим шаклининг умуман мавжуд эмаслиги ва ҳоказо қатор муаммолар олий таълим тизимидаги оғриқ ташлар бўлди. Бу гўё сув мавжуду аммо у қуйилиши керак бўлган уммоннинг йўқлигига ўхшайди. Илм олишга талаб бору

бу илмини инсонлар манфаати учун йўналтири оладиган тизим йўқ!

Бугунга келиб тизимда ислохотлар бўлаётгандек. Аммо барибир қатор муаммолар кўзга ташланиб қоляпти. Масалан, бу йилги имтиҳонларда, кўплаб абитуриентлар энг юқори 189 балл олганлигига қарамай, бюджетга эмас тўлов-контрактга ўқишга қабул қилинганлиги нафақат таълим ичида, балки омма ичида ҳам кўплаб баҳс ва норозиликларга сабаб бўлмоқда. Давлат тест маркази ушбу ҳодисани, олимпиада голиблари ва ҳоказо қатор имтиёзликлар борлиги, давлат грантлари уларга тортиқ қилинганлиги билан изохлади. Бироқ 100 фоиз натижа кўрсатган ёшларнинг-чи? Уларнинг меҳнати қайси дарёга оқиб кетди?! Қайси имтиёзликдан кам экан улар?! Саволлар тузиши қўйиллатадиган Давлат тест маркази шу икки саволга ҳам холис жавоб бера олармикан?!

“Ҳар ким эканини ўради”, лекин бугун айрим абитуриентлар эканини эмас, фақат уларга берилганини, белгиланганини ола олди холос! Айтишларича, 189 балл олиб, бюджет насиб қилмаган, аниқроғи, адолатсизлик қўрбон бўлган ушбу талабаларнинг иши Давлат тест марказида қайта кўриб чиқилмоқда экан. Бу масала қандай ҳал бўлишини вақт кўрсатади.

Хуллас, биз тушунмаган, тушуна олмаётган саволлар, доимгидек жавобни вақт ҳужмига ҳавола этди.

Ҳа айтганча, яна ўша гап: “Супер 30”га татийдиган воқеалар кўп, жуда кўп содир бўлмоқда!

**Мафтуна КАРИМОВА,**  
Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

Шоҳпур ГУЛТУРАЕВ:

# "ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТИБ, МОЛИЯВИЙ СОҲАДАГИ ЛОЙИҲАЛАРИМНИ АМАЛГА ОШИРМОҚЧИМАН"



бўлиб, Буюк Британияда таҳсил олиш имконини қўлга киритдим.

– Мутахассис сифатида Буюк Британия ва Ўзбекистон банк тизимидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни нималарда кўрасиз?

– Очиғини айтганда, фарқ жуда катта. Масалан, асосий тафовутлардан бири – банкларнинг фаолият кўрсатиш концепцияси ва ахборот технологияларини қўллаш даражаси.

Даставвал фаолият кўрсатиш концепцияси тўғрисида гапирсам. Буюк Британияда барча ривожланган давлатлардаги каби технологиялар ривожланиши ва янги турдаги бизнес моделлар пайдо бўлиши билан корхоналар, жумладан, банклар фаолиятида мижозлар ва уларнинг эҳтиёжини қондириш биринчи ўринга чиқди. Мижозлар ва уларнинг эҳтиёжларини ўз фаолиятининг асосий мезонига айлантириш концепциясини инглизлар Customer-centric model ёки Outside-in model, дейишади.

Афсуски, бизда бунинг акси – Ўзбекистондаги аксарият банклар ҳали ҳамон маҳсулотлар ва хизматларни ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида кўришади. Мисол учун, мобил илова ишлаб чиқилади ва мижозларга такдим қилинади. Аммо, мижозларда иловага нисбатан қандай талаблар борлиги, қандай эҳтиёжлари қондирилмаётганлиги деярли ўрганилмайди. Бу концепциянинг номи Product-centric model ёки Inside-out model.

Умид қиламанки, Ўзбекистонда ҳам банклар яқин келажакда мижозларга йўналтирилган, соғлом корпоратив маданият, тўғри мотивацион тизимлар ва бизнес жараёнларни ўрнатиш орқали ўз фаолиятларини яхшилайдди.

Ахборот технологияларини қўллашдаги фарққа тўхталадиган бўлсам, ҳозир Британияда "Необанклар" жадал ривожланиб борапти. Необанк деганда янги технологиялар ва янги платформалар асосида фаолият кўрсатувчи филиалсиз онлайн банклар тушунилади. Мисол учун, бугунги кунда Буюк Британиянинг деярли 50 фоиз аҳолиси асосий банк сифатида необанклар хизматидан фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, британияликлар Open banking концепциясидан унумли фойдалани-

– Ўзбекистондаги аксарият банклар ҳали ҳамон маҳсулотлар ва хизматларни ўз фаолиятининг асосий мезони сифатида кўришади. Мисол учун, мобил илова ишлаб чиқилади ва мижозларга такдим қилинади. Аммо...

лишмайди. Барча банкларнинг таклифларини ўрганиб, уларнинг шартларини солиштириб чиқиш кўп вақт, анча меҳнат ва маълум билимни талаб қилади. Мен амалга ошираётган лойиҳа банк-молия соҳасидаги барча таклифларни битта платформада жамлаш ва фойдаланувчиларга энг қулай ва фойдали таклифни танлашда ва банк-молия хизматларини расмийлаштиришда ёрдам беради.

– Анъанавий саволимизга ўтаск: китоб ҳам мутолаа қилиб турсизми?

– Китоб ўқиш - болагимдан энг ёқтирган машғулоти-римдан. Авваллари кўпроқ бадий китоблар ўқирдим, сўнги пайтларда бизнес адабиётлар ва муваффақиятли инсонлар биографияларини ўқияман.

Охириги ўқиган китобим Буюк Британия тарихидаги энг кўзга кўринган сиёсий арбобларидан бири Уинстон Черчиллнинг биографияси. Уинстон Черчилл кўп йиллик сиёсий фаолияти давомида, хусусан, 20-асрда инсоният тарихида туб аҳамиятга эга бўлган сиёсий воқеаларда бевосита иштирок этган ва маълум даражада мазкур жараёнларга таъсир кўрсатган шахсдир. Умри давомида ҳарбий хизматчи, журналист, ёзувчи, рассом, адабиёт буйича Нобел мукофоти совриндори бўлган таниқли сиёсий арбоб. Иккита жаҳон уруши давомида ва ўта мураккаб вазиятларда ностандарт қарорлар қабул қилиб, муваффақиятга эришган.

Бундан ташқари, биографияда Буюк Британия тараққиётида самарали таълим тизими, ўзаро тийиб туриш механизмларига асосланган суд қонунчилиги ва ижро тизимлари қанчалар муҳим ўрин эгаллагани ёритиб ўтилган.

– Келажакдаги режалангиз?

– Биринчи навбатда Лондондаги ўқшимни муваффақиятли якунлаш. Кейин албатта Ўзбекистонга қайтиб, молиявий соҳадаги бир қанча лойиҳаларимни амалга оширмоқчиман.

Нурилло ТҲУТАСИНОВ  
суҳбатлашди

Бугунги суҳбатдошимиз Шоҳпур ГУЛТУРАЕВ 2010 йили Тошкент молия институтини, 2012 йили эса Банк-молия академиясини тамомлаган. "Ўзсаноатқурилиш-банк"да масъул лавозимларда меҳнат қилган. Айни дамда Буюк Британиядаги Лондон Брунел университетиде МБА йўналишида таҳсил олмақда.

У билан "Хориждаги ватандошлар" лойиҳаси доирасида қилган суҳбатимиз Ўзбекистон банк соҳасидаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, бу борада Буюк Британия тажрибаси ва бошқа мавзуларда кечди.

– Шоҳпур ака, нега айнан банк соҳасини танлагансиз?

– Банк соҳасига кириб келишимга болалигимдан математика, физика, иқтисодиёт каби фанларга қизиқишим сабаб бўлган бўлса керак. Ҳатто 11 ёшимда ота-онамга оилавий бюджетни тузиш буйича "консалтинг хизмати"ни таклиф қилганман.

Университетни танлаш вақти келганда, қизиқишларим нимага тўғри келишини билган ота-онам банк соҳаси йўналишида ўқишга киришни маслаҳат беришган. Шу тариқа 2006-2010 йилларда Тошкент молия институтиде Банк иши йўналишида таҳсил олдим. Ўқишни тугатгач, салкам ўн йил "Ўзсаноатқурилишбанк"да турли вазифаларда, хусусан, 2-тоифали мутахассис, департамент директори бўлиб ишладим.

2019 йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендияси қолиби

Юртдошларимиз кредит олиш, бўш маблағларини банк омонатига қўйиш ёки валюта айирбошламоқчи бўлганларда қайси банкда энг яхши таклифлар маъжудлигини билишмайди. Барча банкларнинг таклифларини ўрганиб, уларнинг шартларини солиштириб чиқиш кўп вақт, анча меҳнат ва маълум билимни талаб қилади.

## 16 | УЧИНЧИ ТАШАББУС

**БУХОРОНИНГ ИККИ ТУМАНИДА  
ҲАМ АКТ-МАРКАЗЛАР ОЧИЛДИ**

Қорақўл ва Олот туманларида аҳолини ахборот технологиялари мутахассисликлари бўйича ўқитиш, компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш учун замонавий инфратузилма билан жиҳозланган янги АКТ-марказлар ишга туширилди.

Ушбу марказларнинг очилиши, 2 мингдан ортиқ янги тингловчиларни қабул қилиш ва 1000дан ортиқ давлат хизматчиларининг малакасини ошириш имконини беради. Шу билан бир қаторда, ёшларнинг амалий кўникмаларини ошириш, турли хил амалий ва лаборатория машғулоти, қўшма лойиҳалар, шунингдек, Бухоро шаҳридаги IT-Park резидентлари билан фриланс ва стартап лойиҳаларини амалга ошириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йил охирига қадар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида жами 12та АКТ-марказлар ишга туширилиши режалаштирилган.

Бу АКТ-марказлар аҳоли ва ёшларимизни дастурлаш, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш бўйича салоҳиятини оширишга ва иқтисодиётимизни барқарорлаштиришга замин яратади.

**УРГУТДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ЎҚУВ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ**

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан республиканинг барча шаҳар ва туманларида ахборот-коммуникация технологиялари, робототехника ва киберспорт тўғрисидаги мужассам этган Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилмоқда.

29 сентябр куни Самарқанд вилоятининг Ургут туманида ҳам шундай марказнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокими вазифини вақтинчалик бажарувчи А.Туронов, ҳокимнинг ёшлар сиёсати бўйича ўринбосари И.Жабборов, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Д.Хўҷамбердиев, вазирлик тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг вилоят бўлинмалари раҳбарлари, туман фаоллари ва ёшлар иштирок этдилар.

Рақамли технологиялар ўқув марказида 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар компьютер саводхонлиги бўйича бепул ўқитилади ва курсларни муваффақиятли тугатганларга сертификатлар берилади.

Шунингдек, мазкур марказда тумандаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар ва ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакаларини ошириш кўзда тутилган.



ҚУТЛОВ!

● Реклама ва эълонлар

*Азиз устозлар, меҳридарё  
мураббийлар, қадрли ҳамкасблар!  
Барчангизни 1 октябр – Ўқитувчи ва  
мураббийлар куни билан сидқидилдан  
муборакбод этамиз. Машаққатли ва айни  
дамда юксак масъулиятли  
меҳнатларингизда зафарлар,  
бахт ва омад ёр бўлишини тилаймиз.*

*Ёшларга таълим-тарбия беришдек шарафли  
меҳнатларингиз учун Сизга ташаккур!*

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ**





# ЖУШ ОМАДЕД

## Тожикистонда нималар кўрдик?

Тожикистон фермерлари нимаси билан Ўзбекистондаги ҳамкасбларига ўхшамайди? Сўғд вилоятидаги ўзбеклар нима учун бизга раҳмат айтишди? Бўри ва итнинг зотидан чиққан бўрибосар айиқни ҳам енга оладими? Бу саволларга жавоб олишни истасангиз, мана шу кундаликни охиригача ўқишингизга тўғри келади.

Дарвоқе, кундалик уч кун давом этса керак. Тожикистонга сафаримиз айнан шунча муддатга мўлжалланган.



— Қўшни, ишлар яхшими. Хизматлар билан чарчамаяпсизми? — Тожикистон томонидан келган офицер Ўзбекистон чегарачилари билан куюк кўришди. Кейин биз томонга салгина айбдорона қаради. — Меҳмонлар, сизни кутиб оладиганлар келишди. Қани, марҳамат биз томонга...

Ярим соатгина олдин худди шу офицер бизни Тожикистон чегарасидан ўтказмаган эди. Ўтказмади эмас, Ўзбекистон томонида кутиб туришни маслаҳат берганди. Айтишчи, мезбон томондан ҳозирча расмийлар келмаган, камига соат ҳам 07:00 бўлмади, чегара ҳали очилмаган, тартиб шунақа. «Биз томонга ўтган билан барибир кутиб туришингизга тўғри келади, меҳмонлар», — деди у.

Ортиқча саволларсиз ўз томонимизда қолишга рози бўлдик. Боз, чегарачиларимиз ҳам шу ерда кута туришни маслаҳат беришди.

Соат етти бўлгани ҳамона Тожикистон томонидан расмийлар етиб келишди. Шу куни Сўғд вилоятида Ўзбекистон Республикаси томонидан беғараз қуриб берилган мактаб очилиши керак эди. Бир гуруҳ журналистлар ўша тадбирга йўл олдик.

Янги мактаб қурилган жойга етиб боргунга қадар кузатганларимиз ҳақида икки оғиз айтиб ўтсак.

\*\*\*

Энг аввало одамлар, кўча, қишлоқ ва маҳаллалар ҳақида — чегарадан ўтганимиздан чиқарворсанг, Ўзбекистондан кетмагандексан гўё. Уша, ўша манзара. Бекорга ўзбек ва тожикни икки тилда сўзлашувчи бир халқ, дейишмаган. Кийинишу, юриш-туришдан тортиб, уй тутишгача деярли бир хил.

Далалар чети эса текис каллакланган тут билан тўла. Шу қадар мўлки, пилла қаерда кўпроқ етиштирилишига иккиланиб ҳам қолсан — Ўзбекистондами ёки Тожикистонда.

Аммо шундай бўлса ҳам қишлоқ хўжалиги борасида битта фарқи айтиб ўтиб кетсак — Тожикистондаги дала майдонлари биздагидек бепоён эмас экан. Юртимизда пахта ва галла далалари шу қадар каттаки, охирини илғаш қийин. Ўзбекистонда 100-200 гектарлик майдонларни учратиш оддий ҳол. Аммо қўшнилариимизда катта далани жуда кам кўрдик. Одатда деҳқончилик қиладиган ер майдонлари майдороқ бўларкан, ўн, ўн беш, ҳатто беш-олти гектарлик ерлар ҳам бор.

— Бизда катта фермерлар анча кам, икки гектар ерда ишлайдиганлар ҳам бор. Фермерлар ерига ўзи истаган нарсани экади. Фақат пахта давлат буюртмаси бўйича навбат билан етиштирилади, — дейди биз билан суҳбатда маҳаллий аҳоли вакилларидан бири.

Дарҳақиқат, уша 10-15 гектарлик майдонларга турфа экинлар экиб ташланган — макка-жўхори, ловия, ерёнгоқ, кунжут, шולי. Яна бизда аллақачон урфдан чиққан беда ҳам кўп. Зеро унинг ҳосияти анча катта — чорвачилик ривожланади, сут-қатиқ кўпаяди, гўшт таннархи тушади ва ер анча дам олиб, кучга тўлади. Икки йилдан кейин унга нима эксанг ҳам ҳосилни йиғиштириб, чарчаб кетмасанг, мен кафил...

Ҳа, тожик оғайнилардан ўрганадиганимиз ҳали кўп, шекилли.

Тожикистоннинг Сўғд вилояти, Спитамен ноҳиясида Ўзбекистон томонидан қуриб берилган янги мактаб очилгани ҳақида батафсил репортаж сайтимизда берилди. Бунга қўшимча сифатида шуни айтиб ўтмоқчи эдикки, маҳаллий аҳолида Ўзбекистонга бўлган ҳурмат жуда юқори.

«Сиз Ўзбекистонданми?» — энг кўп эшитган саволимиз шу бўлди. Тасдиқлаганимиз ҳамона қайта ва қайта раҳмат айтишади. Мактаб учун албатта.

Бу миннатдорлик бироқ орқали бутун Ўзбекистонга қаратилгани аниқ. Омонатни етказиб қўялик, дедик...

\*\*\*

Мактаб очилиши маросими якунлангач Душанбе сари йўл олдик. Ўзбекистонда ҳам тоғли ҳудудлар анчагина, йўл босиб ўтиладиган довонлар ҳам бор — Қамчиқ ва Тахтақорача (Китоб). Аммо Ҳисор тоғ тизмасига кирувчи Шахристон довонидан ошиб ўтгач ҳақиқий хавф қанақа бўлишини билдик. Бунақа адреслини анча-мунча аттракциондан ҳам топиш қийин. Ойбек домла таърифи билан айтганда ҳақиқий «ваҳший тоғлар»ни шу ерда кўрасиз.

Шахристон довони денгиз сатҳидан 3378 метр баландликда жойлашган. Йўл эса гарчи ойнадек текис бўлса-да, тор ва кескин бурилишларга бой. Бу ерда бир лаҳза ҳам эътиборни йўқотиб бўлмайди. Йўл давомида жарга кулаб, консерва банкадек мажакланиб кетган бир нечта машиналарни кўрдик. Дара шу қадар чуқурки, ҳар доим ҳам паства қулаган машиналарни чиқариб олишнинг иложи бўлмас экан. Шу ҳолича занглаб ётаверди.

Даҳшат...

\*\*\*

Мана шу довондан ўтиш асносида чўпон Мирзобек акага дуч келдик. Балки у билан суҳбатимиз кундаликка кирмаган бўларди, агар бўрибосар итини кўриб қолмаганимизда.

Кесилган қулоғи демасангиз, ит эмас бу, бўри.

—Итларимизни бўриларга қўшилиб кетиши учун тоғларга ташлаб кетамиз. Кейин шу итлар қайтиб келади ва ундан зот оламиз. Бўри ва итнинг қоримаси шунақа бўлади, — дейди Мирзобек ака. Унинг учун бу оддий ҳол, чўпон таёғига суняиб, бамайлихотир гапириб беради. — Бунақа итдан бўри тугул, вақти келганда айиқ ҳам кўрқади. Ҳозир ўзимда бўридан зот олинган тўртта ит бор. Мана шу кўриб турганингиз иккита бўрини гажиб ташлаган. Хув нарироқда бўлганди.

Айиқми? Бир сафар кўрага айиқ келганда тўрттала бўрибосарим чиқиб, у билан олишганди. Қочиб кетди «полвон», шу билан қайтиб қорасини кўрсатмади.

Мирзобек аканинг айтишича, бўри ва итдан туғиладиган кучукчалар она қорнидан иккитагина тушаркан. Аввалига кўкиш тус бўларкан, кейин мана шунақа саргимтир рангга кираркан. Ҳа-я, бунақа итларни парваришlash ҳам осон эмас. Гўшт ва қуйруқ бериб туриш керак, акс-ҳолда тиши тўкилиб кетармиш...

\*\*\*

300 километр йўл босиб, Душанбега келгунга қадар иккита доvon ошдик. Йўлга салқам 6 соат вақтимиз кетди. Чарчоқ кучли, аммо олинган таассуротлар ундан кучлироқ. Мана шундан озгинасини сизга ҳам илдиндик.

Зафар Қосимов, "Xabar" мухбири  
Тошкент-Хўжанд-Душанбе



# Тоғли Қорабоғ можароси: ЖАНГЛАР ЖИДДИЙ ТУС ОЛМОҚДА

Замонавий дунёнинг хануз ўз ечимини топмай келётган Тоғли Қорабоғ муаммолари тарихи бир неча ўн йилга бориб тақалади. Арманистон ва Озарбайжон муносабатларидаги айна кунлардаги ҳарбий инқироз эса Тоғли Қорабоғ устида келиб чиққан илк уруш тугаган 1994 йилдан буён энг жиддий воқеликлардан бири бўлиб турибди.

## Озарбайжон самарасиз музокаралардан чарчди

Бир неча ой муқаддам Озарбайжон президенти Илҳом Алиев Тоғли Қорабоғ учун ўтказилган бесамар музокаралардан чарчаганини айтган эди. У ҳақ шу пайтгача музокаралар натижа бергани йўқ, ўттиз йилдан ошдики, Тоғли Қорабоғ учун ечим топилмади. Можарони ҳал қилиш учун 1992 йилда тузилган Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Минск гуруҳи ҳам олдиға қўйилган вазифанинг уддасидан чиқолмади.

Қуролли тўқнашувлар ҳақидаги воқеалар бутун дунё ҳамжамияти диққат марказида, глобал тармоқ турли маълумотлар билан тўлиб тошган. Бирок жанговар ҳаракатларнинг асл қўламини, қанча куч жалб қилинганини, ҳужумлар йўналишини ва жанговар ҳаракатларнинг боришини баҳолаш жуда мушкул. Чунки кўп нарса махфий тутилмоқда ва ҳар икки томон кенг қамровли дезинформация кампанияси олиб борапти.

Шунга қарамай, бир томондан Арманистон ва тан олинмаган Тоғли Қорабоғ, иккинчи томондан Озарбайжон тарқатаётган видео ва фотосуратлардан библиш мумкинки, авж олаётган можарода оғир зирҳли техника, кўлаб ракета тизимлари, артиллерия, учувчисиз учоқлар иштирок этмоқда.

Кўни кеча Озарбайжон Мудофаа вазирлиги зиддиятли минтақадаги олти қишлоқ ва стратегик аҳамиятга эга қатор тепаликларни кўлга киритганликлари ҳақида баёнот билан чиққан. Расман тан олинмаган Тоғли Қорабоғ республикаси президенти Араик Арутюнган ҳам бир қанча аҳоли масканларини Озарбайжонга бой беришганини тан олган.

☀️ Тахминий жабҳа худудлари, 27-28 сентябрь 2020 йил

☞ Тоғли Қорабоғ атрофида арманлар назоратидаги худудлар



## Ўтмишга назар

Тарих давомида арманлар, форслар, туркийлар ва русларнинг бошқаруви остида бўлган Тоғли Қорабоғдан Арманистоннинг ҳам, Озарбайжоннинг ҳам воз кечш нияти йўқ. Шу туфайли вақти-вақти билан икки ўртада қуролли тўқнашувлар келиб чиқяпти. Озарбайжон ва Арманистон 1918-1920 йилларда ҳам Қорабоғ учун уруш олиб борган, бу урушда Усмонийлардан ёрдам олган озариларнинг қўли баланд келган эди. 1920 йилнинг бошида Париж тинчлик конференциясида Тоғли Қорабоғ Озарбайжон худуди деб тан олинди. Минтақада совет ҳукумати ўрнатилгач, худуд Озарбайжон ССР таркибига киритилиб, у ерда мухтор вилоят ташкил этилди.

Совет Иттифоқи парчаланиши арафасида – 1980-йилларнинг охирида Тоғли Қорабоғдаги арманлар Озарбайжондан ажралиб чиқиш ҳаракатини бошлашди. Уларнинг ниятини Арманистон қўллаб-қувватлади, оқибатда можаро икки давлат ўртасидаги урушга айланиб

кетди. Бу урушнинг энг даҳшатли ҳодисаси 1992 йилнинг февралда Хўжалида юз берди: арман қуролли гуруҳлари юзлаб озарини – аёллару болаларни ҳам шафқатсизларча қириб ташлади. Томонлар 1994 йилнинг 5 майида Бишкекда келишув имзолангандан кейингина ўт очилш тўхтатилди. Бу вақтгача Тоғли Қорабоғда арманлар мустақиллик эълон қилиб бўлган эди, кейинчалик улар ҳудуднинг номини Арцах деб ўзгартирдилар. Арцах Республикасининг мустақиллигини ҳеч бир давлат тан олмаган, ҳатто Арманистоннинг ўзи ҳам. Бирок бу Ерваннинг Тоғли Қорабоғдаги арманларни қўллаб-қувватлаши учун ҳеч ҳам монелик қилаётгани йўқ. Халқаро ҳамжамият, хусусан, БМТ нуқтаи назарида Тоғли Қорабоғ ҳали ҳам Озарбайжоннинг худуди ҳисобланади.

## Ким қайси томонда?

Тоғли Қорабоғ можаросида Арманистонни Россия қўллаб-қувватлаётгани сир эмас. Жорий йилнинг июлида Озарбайжон ва Арманистон ўртасида

юз берган тўқнашувдан кейин президент Илҳом Алиев Россия президенти Владимир Путин билан телефон орқали суҳбатлашиб, Россиядан Арманистонга қурол-яроғ етказиб берилаётганидан ташвиш билдирган эди. Тоғли Қорабоғ масаласи Москвага Кавказдаги ўз таъсирини сақлаб қолиши учун ҳам муҳим: можаро қанчалик узоқ давом этса, Кремл учун ҳам Арманистон, ҳам Озарбайжонга таъсир кўрсатиш воситаси шунчалик узоқ давом этади. Кеча тўқнашувлар бошлангандан кейин Арманистон бош вазирини Никол Пашиняннинг биринчи бўлиб Путинга кўнғироқ қилгани ҳам Ерваннинг Москвага ишонини кўрсатади. Қолаверса, у Франция президенти Эммануэл Макрон билан ҳам суҳбатлашиб, Тоғли Қорабоғ можаросига Туркиянинг аралашувиға йўл қўймаслигини сўради. Айтиш керакки, Францияда кучли арман диаспораси яшайди, қолаверса, айна пайтда Париж ва Анқаранинг муносабатлари яхши эмас. Шундай қилиб, Арманистон раҳбарияти нафақат Россиядан, балки Франциядан ҳам ёрдам олмақчи.

Пашиняннинг Туркияни эслаб қолгани бежиз эмас: Тоғли Қорабоғ масаласида Анқара бошидан бери Бокунинг ёнини олиб келади. Июл ойида Озарбайжон – Арманистон чегарасида тўқнашувлар юз бергач, ўша ойнанинг охирида Туркия ва Озарбайжон ҳарбийлари қўшма машғулларни бошлаб юборди. Бу Анқаранинг нафақат Ерванга, балки Москвага ҳам йўллаган “хабарини” бўлди. Туркия ва Россиянинг манфаатлари аввалроқ Сурияда ва Ливияда тўқнашган бўлса, энди Тоғли Қорабоғда тўқнашадиган кўринади. Яъни, Тоғли Қорабоғ можароси минтақавий масаладан халқаро масалаға айланиб бўлган.

Аксар мамлакатлар зиддиятни тинч музокара йўли билан ҳал этишни таъкидлаб турган бир пайтда Озарбайжоннинг яна бир ҳимоячиси пайдо бўлди – Афғонистон уни қўллаб-қувватлашини очик-ойдин билдирди. “Афғонистон Тоғли Қорабоғни эғаллаб олишни бас қилишни талаб қилади. Озарбайжон ҳукумати ва халқининг ҳамда дунёдаги бошқа давлатларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди”, – дейилади мамлакат ТИВ баёнотида. Туркия президенти Режеп Таййип Эрдоган эса, “Арманистон Озарбайжоннинг ишғол этиб турган ерларидан зудлик билан чиқиб кетиши шарт” эканини баён қилган.

## САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ТУРКИЯ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚИҚЛАНДИ

Риё ва Анқара муносабатларидаги таранглик янги босқичға кўтарилган кўринади: Саудия Арабиестиони 1 октябрдан эътиборан Туркияда ишлаб чиқарилган ҳар қандай маҳсулотға эмбарго жорий қилади. “Жумҳуриет” нашрининг ёзишича, Туркиядан маҳсулот импорт қиладиган Саудия фирмаларидан импортни тўхтатиш ҳақидаги мажбуриятномаға қўл қўйиш талаб қилинапти.

Айна пайтда бу хабар туркиялик экспортчиларни ҳавотирға солган. Туркия Саудия Арабиестиониға йилиға ўртача 3,3 миллиард долларлик маҳсулот, хусусан, мейел, кишлоқ ҳўжалиги ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қиладди. Аввалроқ Саудия Арабиестионида фуқаролар таътил учун Туркияға бормасликка тарғиб қилинаётгани ҳақида хабарлар тарқалган эди.

## МАКРОН ВИЛНЮСДА БЕЛАРУС МУХОЛИФАТ ЛИДЕРИ БИЛАН КЎРИШДИ

Литваға ташриф буюрган Франция президенти Эммануэл Макрон Беларус мухолифати етакчиси Светлана Тихановская билан учрашди.

Тихановскаянинг матбуот хизматиға кўра, Беларусда янги президент сайловларини ташкил қилиш имкониятлари Макрон билан бўлиб ўтган суҳбатнинг асосий мавзуси бўлди. “Европа мамлакатларининг Беларусдаги воқеаларға бефарқ эмаслиги жуда муҳим. Франция энг қадимги демократиялардан бири сифатида бизни жуда яхши тушунади. Шу сабабли мен жаноб Макронға бизнинг бош мақсадимиз – шу йил бўлиб ўтиши керак бўлган янги эркин ва демократик сайловлар эканлигини эслатиб ўтмоқчиман”, – дея Тихановскаядан иқтибос келтиради “Пул Превой” Телеграм канали.

Учрашувдан сўнг Франция президенти Беларусдаги сиёсий инқирозни ҳал қилиш бўйича музокараларда ёрдам бериш учун қўлидан келганини қилишға ваъда бериб, сиёсий маҳбусларнинг озод қилинишиға кўмаклашишини айтди, деб ёзади Delfi.

Интернет материаллари асосида У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади






3D

**1 ДОЛЛАРЛИК ЭШИТИШ ҚУРИЛМАСИ ЯРАТИЛДИ**

Жоржия технология институти (АҚШ) олимлари нархи 1 долларлик эшитиш аппаратини яратдишди. Бу ҳақда PLOS ONE фан нашри ёзмоқда.



Маълумотларга кўра, дунёда қарийб 200 миллион киши яхши эшитмасликдан қийналади. Эшитиш қурилмаларини топиш эса кўпинча муаммо, бунинг устига нархиям осмонда. Ҳеч муболағасиз, жоржиялик олимлар ҳақиқий инқилоб ясади.

Олимларга кўра, ушбу қурилманинг нархи, барча жамланмалари билан бирга, 1 доллар атрофида. Қурилманинг корпуси 3D-принтерда чиқарилади, дастурий таъминоти эса очиқ кодди.

Яна бир қулайлиги, бу қурилмани истаган одам ясай олади. Қурилма маълумотлари (жумладан, чизмалари)ни интернетдан бепул кўчириб олиш мумкин.

ФАЗО

**ЯПОНИЯ ОЙДА ЗАВОД ҚУРАДИ**

Ривожланган мамлакатлар фазо объектларини ўзлаштиришга жиддий киришган. Хусусан, Япония Ойда ёнилги заводи қуришни режалаштирди, дея хабар берди Kyodo агентлиги.

Япон мутахассислари заводдан Ернинг табиий йўлдошини ўзлаштириш учун фойдаланади. Аниқлик киритилишича, завод Ойнинг жанубий қутбда қурилиши мумкин, у ерда муз конлари топишган.

Таъкидланишича, Ойдаги музликлардан олинган сув кислород ва водородга бўлиниб, сўнг ёнилгига айлантирилади, бу эса Ернинг йўлдошида минглаб километргача масофани босиб ўтишга имкон беради.


Япония завод қурилиши 2035 йилга қадар тугагини кутмоқда.



COVID-19

**КОРОНАВИРУСНИ ЭНГ ТЕЗ АНИҚЛОВЧИ ТЕСТ ИШГА ТУШДИ**

Германиянинг Bosch компанияси COVID-19ни 39 дақиқада текшириб берадиган тизимни ишлаб чиқди. Бу ҳақда компания пресс-релизида хабар берилган.



“Bosch SARS-CoV-2 кўзгатувчисини аниқлашда ўзининг Vivalytic аналитик ускунаси учун янги экспресс-тестни ишлаб чиқди. Шу тариқа, тест натижаси 39 дақиқа ичида аниқ бўлади — ҳозирда дунё бўйича ПЗР асосида ишлайдиган бундан ҳам тезроқ тест мавжуд эмас”, — дейилади хабарда.

Таъкидланишича, ушбу тестдан тезкор натижа олиш талаб этиладиган жойларда, хусусан, аэропортларда фойдаланиш мумкин. Мазкур тест Европада тарқалишга улгурди.

Янги тест тизими Германия Таълим ва илмий тадқиқотлар вазирлиги кўмагида ишлаб чиқилган.

ТАҚДИМОТ

**HUAWEIDAN ЯНГИ СМАРТФОН: P SMART 2021 БИЛАН ТАНИШАМИЗ**


Huawei компанияси ўрта тоифага мансуб Huawei P Smart 2021 смартфонини тақдим этди.

Компания 2020 йилнинг май ойида Huawei P Smart 2020ни чиқарганди.

2021 — юқоридаги смартфоннинг ўринбосари. Экрани — 6,67-дюйм (Full HD+). Тўртталиқ камераси 48 Мп, 8 Мп, 2 Мп ва 2 Мп датчикларга эга. Фронтал камераси эса 18 мегапикселли.

Процессори — Kirin 710A. Huawei P Smart 2021 смартфонини 5000 мАс сифимли аккумулятордан қувват олади. Тезкор қувватлашни қўллайди — 22,5 Вт.

Huawei P Smart 2021 Европа бозорида 229 евродан тақлиф этилмоқда. Сотувга қўра, тилларанг, яшил рангларда чиқади. Савдолар октябр ойи иккинчи палласидан бошланиши кутуляпти.



БИЗНЕС

**АЛИБАВА РАҲБАРИ ЭНДИ ХИТОЙНИНГ ЭНГ БОЙ ОДАМИ ЭМАС**

Хитой техногиганти — Alibaba асосчиси Жек Ма ўтган пайшанба куни ХХРнинг энг бой одами мақомидан маҳрум бўлди. Бу хусусда РБК агентлиги хабар берган.

Bloomberg Billionaire Index маълумотларига кўра, шиша сувлар ва вакциналар эгаси Чжун Шаншан шу ҳафтада Жек Мадан ўзиб кетди. 24 сентябр куни унинг бойлиги \$58,7 миллиардга етди, бу эса Alibaba (Aliepress ҳам шу гуруҳга қарашли) асосчисиникидан \$2 млрдга кўпдир.

Чжун ҳозир Осиёдаги энг бадавлат кишилари рейтингда иккинчи погонани эгаллаб турибди, у фақат ҳиндистонлик магнат Мукеш Амбани (85,2 миллиард доллар)дан кейин ва дунёда 17-ўринда турибди.

Чжуннинг бойлиги унинг иккита компанияси — фармацевтика гиганти Beijing Wantai Biological Pharmacy Enterprise ва шиша сув ва ичимликлар ишлаб чиқарадиган Nongfu Spring компанияси акциялари биржага қўйилгандан кейин кескин ошди.

Аммо, Bloomberg ёзишича, Жек Ма тез орада яна Хитойдаги энг бой одамга айланади. Экспертларга кўра, Ant Group компанияси акцияларини сотиш унга 28 миллиард доллар даромад келтиради.

ТВ

**ХИАОМИ ИЛК 5G/8K-ТЕЛЕВИЗОРНИ ТАҚДИМ ЭТДИ**

Xiaomi компанияси ўз телевизорларининг флагман модели — Mi TV Lux Ultra тақдим этди.

Айтиш керакки, бу — 5G тармоғига уланувчи ва 8K форматига эга биринчи Xiaomi телевизоридир.

Телевизор OLED-экрани диагонали 82 дюймди бўлиб, 8K-форматни қўллайди. Телевизорга ўрнатилган тўрт ядроли Novatek 72685 процессори Mali G51 MP4 график тезлатгичи билан таъминланган. Жамланмасидан 4 Гб оператив, 256 Гб ички хотира ўрин олган. Mi TV Lux Ultra бешинчи авлод алоқа тармоғи билан бир қаторда Wi-Fi 802.11ac ҳамда Bluetooth 5.0 симсиз алоқа технологияларига эга.

Аудиотизими силжувчи ён панеллардан ташкил топган бўлиб, юқори, ўрта ва паст частотали саккизта компонентдан ташкил топган. Бундан ташқари, иккита USB, учта HDMI уланма кўзда тутилган. Mi TV Lux Ultra 21 октябрдан бошлаб 7300 долларга харид қилиш мумкин.

НАВИГАЦИЯ

**GOOGLE “ХАРИТАЛАР”ДА ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК!**

Барча андроид-смартфонлардаги Google сервислари орасида Maps, яъни “Хариталар” иловаси мавжуд. Қидирув гиганти ушбу иловасига махсус “автомобилбоп” интерфейси қўшди.

Компания Google Maps иловасида янги функцияни — махсус Car Mode режимини синоп кўрмоқда. Номини ҳам айтиб турибди бу — автомобилни бошқариш чоғида харита иловасидан фойдаланишни қулайлаштирувчи янги интерфейсли режимдир.

Автомобил режими Android Auto иловаси интерфейсини эслатади, фарқи, бунда фақат смартфонларга мўлжалланган Google Maps иловасининг ўзи қўлланади.

Car Mode режимида Google “Хариталар” иловасининг интерфейсида асосий экранни ўзгартириш қолса-да, пастки панели бошқача кўриниш олган. Унда иккита тугмача мавжуд — чап томонида Google Assistant овозли ёрдамчисини қақриш учун микрофон ҳамда ўнгда менюга кириш тугмачалари.

Меню тугмачасини босганда очиладиган янги экран эса Android Auto интерфейсига жуда ўхшаш. Унда кўнгиноқлар, хабарлар, подкастлар, YouTube Music ва бошқа сервислар учун йирик тугмачалар акс этган.

Google айна дамда “Хариталар” иловасининг автомобил режимини айрим юзерларгагина тақдим этган. Кенг фойдаланувчилар оммасига уни Google Марснинг навбатдаги янгиланиши билан тарқатишмоқчи.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

# 1 ОКТЯБРдан ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?



"Ҳуқуқий ахборот" канали 2020 йил 1 октябрдан қонунчиликда қандай ўзгаришлар бўлиши хусусида маълумот берди.

**1.** Тадбиркорларга "Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси" берилади.

Тадабиркорларга уларнинг фаолияти санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини ўрганиш ва таҳлиллар натижаларига асосан "Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси"ни бериш амалиёти жорий қилинади.

Белги Санитария-эпидемиология хизмати томонидан уч хил турдаги - "яшил", "сариқ" ва "қизил" тоифалар бўйича 12 ой муддатгача берилади.

"Яшил" тоифадаги белгига эга бўлган тадабиркорлар фаолияти Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан ўрганилиши ва текширилишига йўл қўйилмайди (оммавий захарланиш ва гуруҳли касалликлар қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно).

**2.** Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга киради.

Миллий географик ахборот тизими юридик ва jisмоний шахсларни кадастр маълумотлари билан тезкор таъминлаш имконини беради.

**3.** Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари

ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ноқонуний фаолияти ҳақида маълумот мавжуд бўлганда, махсус ваколатли органни хабардор қилган ҳолда текширишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

**4.** Бюджет ва корпоратив буюртмачилар раҳбарлари харид қилиниши назарда тутилган товарлар рўйхатини шакллантиришда уларни cooperation.uz порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкониятини мажбурий тартибда ўрганади.

Бунда, корхоналар раҳбарлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш имкони бўлмаган тақдирда, импорт орқали товарлар харид қилинишининг мақсадга мувофиқлигини кўзатиш кенгашларига асослаб беради.

**5.** Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек, уларнинг аффилиланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

- битта товар бозорига бешта ва ундан ортиқ хусусий тадабиркор фаолият юритиб келаётган соҳаларда;

- давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга

олиш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш ваколати берилган соҳаларда.

**6.** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўлиқ тарзда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишининг ягона электрон тизими орқали амалга оширилади.

Ушбу тизим 2020 йил 1 июлдан бошлаб синов тартибидан амалга ошириб келинмоқда.

**7.** Тадабиркорлар учун яна бир имтиёз.

Қуввати 140 киловаттгача бўлган электр ускуналарини тармоққа улашда сарфланадиган харажатлар тадабиркорларнинг хошишига кўра, Давлат хизматлари марказларига техник шартларни олиш учун мурожаат қилиш билан бир вақтда берилган сўровномасига асосан "Худудий электр тармоқлари" АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур маблағлар кейинчалик тадабиркорлар фойдаланган электр энергияси қийматига қўшиладиган устамалар ҳисобидан 1 йил давомида ундириб олинади.

**8.** Республика бюджети маблағлари ва Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этишда нархларни давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади.

**9.** Аҳолини дон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва нархлар кескин ўзгаришининг олдини олиш мақсадида интервенцион харидлар тизими босқичма-босқич жорий этилади.

Бунда:

- 2021 йил ҳосилидан бошлаб дон учун давлат буюртмаси ҳажмлари босқичма-босқич камайтирилади, бошоқли дон харид қилиш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор механизмлари жорий этилади;

- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун давлат буюртмаси тизимидан давлат захирасидан фойдаланишга ўтиш бўйича механизм ишлаб чиқиш назарда тутилади.

**10.** Акциз солиғи ставкалари миқдорлари ўзгаради.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган (хизмат кўрсатиладиган), акциз солиғи солинадиган товарлар (хизматлар)нинг айрим турларига акциз солиғи ставкалари ошади.

**11.** 2020 йил 1 октябрдан бошлаб:

- нодавлат таълим ташкилоти лицензия олганидан кейинги лицензия талаблари ва шартларидан бири - "Нодавлат таълимни бошқариш ахборот тизими"га кириштиш учун тегишли маълумотларни Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига тақдим этиш ҳисобланади;

- мазкур тизимда нодавлат таълим ташкилоти, унинг таълим олувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли маълумотнинг лицензия олингандан бошлаб 30 кун давомида йўқлиги - лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки тугатиш учун асос бўлади;

- кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат бланкалари берганлик учун БҲМнинг 10 фоизи миқдоридан йиғим жорий этилади.

**12.** Ичимлик суви хизматлари учун нархлар маҳаллий Кенгашлар томонидан кўриб чиқилади.

Суви таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар монополияга қарши курашиш ва нархларни тартибга солиш органлари хулосалари олиниб, маҳаллий Кенгашлар қарори билан маъқуллангандан сўнг тасдиқланади.



Немис ёзувчиси, таржимон ва сценарийчиси, адабиёт бўйича Нобел мукофоти совриндори (1972) Генрих Бёлл 1917 йилнинг 21 декабрда Кёльн шаҳрида, кўп фарзандли оилада туғилган. 1924 йилдан 1928 йилгача католик мактабида ўқиди, сўнг Кёльндаги Кайзер Вилгелм гимназиясида таҳсилни давом эттирди. Ёшлигидан шеърлар ва қисқа ҳикоялар ёзишни бошлаган Бёлл Гитлерчи ёшларга қўшилмаган синфдаги кам сонли ўқувчилардан бири эди. 1936 йили гимназияни тугатгач, эски китоблар сотиладиган китоб дўконда сотувчи бўлиб ишлади. Бир йил ўтгач, у Императорнинг меҳнат лагерига ишга юборилди.

1939 йилда Бёлл Кёльн университетида филология ўналиши бўйича ўқишга кириди, лекин кузда у вермах (Гитлерчилар курулли кучлари)га чақирилди. 1939-1945 йилларида Иккинчи жаҳон уруши даврида курунликдаги қўшинлар сафида Франция, Украина ва Крымдаги жангларда қатнашган. У тўрт марта яраланган ва ҳарбий хизматдан қочиш учун бир неча бор касаллик юқтирган. 1945 йилнинг апрелида у америкаликлар томонидан қўлга олиниб, бир неча ой Франция жанубидаги қамоқ лагеридан сақланади. Асирликдан сўнг уйига қайтиб, Кёльн университетидаги ўқишни давом эттирди.

Унинг асарлари 1947 йилдан нашр этила бошлади. Илк асарлари "Поезд ўз вақтида келади" новелласи (1949), "Саёҳатчи" қисқа ҳикоялар тўплами (1950) ва "Қарерда бўлдингиз, Адам?" (1951) романи эди.

1950 йилда у "47-гурӯх" (немис тили муаллифлар ушмаси)га аъзо бўлди. 1952 йилда ушбу адабий уюшманинг манифестида "Қамбағаллар адабиётини тан олиш дастури" мақоласида Бёлл Бёлл оддий ва ҳаққоний, муайян ҳақиқат билан боғланган "янги" немис тилини яратишга чақирди. Эълон қилинган тавоилларга мувофиқ, Беллинге дастлабки ҳикоялари услубий жиҳатдан содда, ҳаётий воқеалар билан тўлдирилган. У аста-секин мураккаб бўлмаган сюжетли ҳикоялардан катта ҳажмли асарлар ёзишга ўтди: 1953 йилда "Бир сўз ҳам демади" қиссаси, бир йилдан сўнг "Ҳўжайинсиз уй" романи дунё юзини кўрди.

Бёлл асарларида нафақат урушдан кейинги йиллардаги мураккаб, қашшоқ ҳаётни тасвирлайди, балки ёш немис тилининг мураккаб, кўп қирралли психологик портретини яратди.

Ёзувчи Анна Мари Чехега уйлانган ва икки ўғил кўрган. 1985 йили 67 ёшида оламдан ўтган.

Европанинг гарбий соҳилидаги бир портда фақирона кийинган балиқчи ўзининг қайиғида мудраб борарди. Шоҳона кийинган бир сайёх мовий осмон, сокин, мавж ураётган қордек оппоқ тўлқинлар, кўм-кўк денгиз, қора қайиқ, қип-қизил балиқчилар қалпоғи каби асл суратларни олиш учун фотокамерасини олиб келган. Табиатнинг жамики гўзаллиги шу ерда мужассам. Атрофда ҳукм сураётган сукунат ичра қандайдир товуш қулоққа чалинди. Мудраётган балиқчи товушдан уйғониб кетиб, қаддини ростлади ва уйқусираган ҳолда тамаки қутисини излади. У излаганини топишга улгурмасидан сайёх эпчиллик билан тамаки қутисини унинг бурни тагига олиб борди. Тагин ўша товуш эшитилди. Сайёх балиқчига ўз тилида гапиришга ҳаракат қилди. Балиқчининг тинчини бузган товуш гугуртники эди.

– Сиз бугун яхши ов қиласиз, – деди у балиқчининг елкасига қоқиб.  
– Ҳаво яхши бўлишини менга айтгандилар, – деди балиқчи бошини қимирлатиб.  
– Сиз ҳеч саёҳатга чиққанмисиз? – сўради фақирона либосдаги балиқчига ачинганича. Бироқ балиқчи унинг саволига жавоб бермади. – Оҳ, сиз

ўзингизни яхши ҳис қилмаяпсиз, деганидан кейин балиқчи:

– Мен ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман, ўзимни ҳеч қачон бунчалик бахтиёр ҳис этмаганман! – деди.

Саёҳатчининг чехраси ўзгарди ва яна саволини такрорлади:

– Боя саволимга жавоб қилмадингиз?

Балиқчи аниқ ва қисқа жавоб берди:

– Мана, бугун саёҳатга чиққанманку!

– Ов қилиш яхши-я?

– Жуда яхши. Мен балиқ овлашга ҳар кун бўлмас-да, тез-тез келиб тураман. Фақат эҳтиёж туғилганда.

Мана бугун овим бароридан келди. Саватимда тўртта чўртан балиқ бор, мана яна иккита селд балигини тутдим. Бугун-эрта учун рўзгорга шу кифоя.

Сайёхнинг чехрасида гамхўрлик туйғуси балқиб турарди.

– Чекасизми?

– Ҳа, раҳмат.

Тамакилар оғизга илинди. Сайёх чайқалаётган қайиқнинг четига ўтирди, қўлидаги камерани қўйди, негаки ўйлаётган фикрини тушунтириш учун унга икки қўли ҳам керак эди.

# НУР

(Ҳикоя)

У ўттиз беш ёшларда эди. Унда на малоҳат ва на нафосат жилоси бор. Авзойида қандайдир норозилик. Кўнгилни юмшатовчи ифода яширинганди гўё. Мана, ўттиз беш йилдирки, унинг кўзлари ожиз, зулматда яшайди. Буни қарангки, тиббиёт мўъжизаси сабаб унга ёруғлик ҳада этиладиган бўлди. Узоқ энтикиб қутилган кун келди. Июньнинг жазирама кунларида кўзлари ёруғ дунёни кўрди, бироқ у ҳаётда ёлғиз эди. Авваллари ёлғизликни хоҳларди ҳам. Кўзлари равшан тортса бўлди эди.

Вой тавба, деразадан ташқарида олам нақадар гўзал.

"Ё Худойим!" шивирлади у, ниҳоят унинг ибодатлари ижобат бўлди. Дераза-си ёнидаги дарахт барглари куёшда мавж урар, турфа хил гуллар нурга интилар, тилларанг қанотли ниначилар эса пирпираб учарди. Дунё тасавурида дагиданда гўзалроқ ва ўзгача рангларда кўринарди.

У шуларни ўйларкан, юраги ҳаприқиб кетди.

Энди аввалгидай эҳтиёткорлик билан эмас, балки эҳтиётсизлик билан у сўнги аср жаноблари олиб юрадиган француз соатини қўлига олди. Бронзадан ишланган соат бироз дабдабали эди.

У гўёки эски дўсти билан танишди ва соатни рўмолчага ўради. Илгари бу буюмни ажабтовур шаклга эга деб ўйларди, ҳозир эса юрагини жиз эттирмади.

Бу аҳмоқлик! Дабдурустдан асабий шивирлади ва рўмолчаси билан юзини артди. Хонани кесиб ўтаркан, ўз аксини ойнада кўрди. "Вой онажон!" деб беихтиёр бақриб юборди. У гўё ақлдан озаётганга ўхшарди. Унинг қони гугурди. У терлаб кетган пешонасини яна артди ва дафъатан ойнага қаради. Кўзгуда ўттиз беш ёшлардаги сочлари оқарган аёл акс этиб турарди.

"Улар мени алдашди", – деди у кўзини бир нуқтадан узмай. – Онам, синглим, Роберт ҳамма-ҳаммаси алдашди мени. Унинг юзида бир лаҳза аввалги шодлигу ишончдан асар қолмаганди.

Эртасига у бутун умрини унга бахшида этишга тайёр бир эраккача суяниб шаҳар ташқарисидан сайр қилди. Қирқ ёшлардаги бу одам ўн беш йил аввал қизнинг

розилигини аранг олганди.

Ҳамроҳи уни ўриндиққа бошлади. У, ўтириб суҳбатлашсақ, балки кўнглим очилар, деб ўйлади. Эрак қизнинг қўлидан тутди, у ҳам бунга қаршилиқ билдирмади.

– Эсингдими, олдинги режаларимиз? – гап бошлади йигит. – Эрта баҳор сайллар, сен, мен, фақат биз... ва яна ўша кумуш қишга қайтиш... Буларни ҳеч қачон унутмагандан-ку, шундайми, азизам. – Эрак ҳамон унинг биллагидан тутиб турар, ёнида тунд ўтирган қизнинг кўнглига қўл солмоқчи бўлди. – Кейин ёз, куз ва тагин қиш. Қалбимизда эса ҳаммиша баҳор. Бир нима десангчи, Жейн азизам.


– Оҳ Роберт, биласизми, борлик мени ранжитди, – деди ним табассум билан. – Ҳаётга ўрганиш нақадар қийинлигини билсангиз эди. Мен ўзимнинг қоронги дунёмга қайтишим керак. Шунда бу юзини кўрмасдим.

Жейн нима қилиш керак бўлса барини адо этди. Умид қилди, кутди ибодат қилди. Бироқ ибодатлар унга ҳеч қандай наф келтирмади, қалбини банд этган зулматдан халос бўлолмади. Йиллар унинг гўзаллигини ўғирлаганди.

Инглиз тилидан  
Хуринисо ОСТОНОВА таржимаси



Кейт ШОПЕН,  
америкалик адиба



## ZOOM ҲАМ, SKYPE ҲАМ КЕРАК ЭМАС

WhatsAppда энди 50 кишилик видеоконференция қила оласиз!


Facebook компанияси апрелнинг охирида Zoom сервисининг рақобатчиси – Messenger Rooms сервисини тақдим этган эди. Энди эса уни WhatsApp мессенжерига ҳам интеграция қилди.

Messenger Rooms сервиси 50 нафаргача киши иштирокида гуруҳли видеочатлар ўтказиш имконини беради. Уни дастлаб WhatsApp Web десктоп иловасига ўрнатишган эди. Энди эса Android ҳамда iOS тизимларига мўлжалланган WhatsApp мижозларида ҳам Messenger Roomsга ўтказувчи ҳаволалар пайдо бўлди.

Ҳозирча бу функция мессенжернинг бета-вер-

сияларида (Android учун 2.20.163, iOS учун эса 2.20.52.6 рақамли жамланмаларда) мавжуд. Мазкур талқинларни ўрнатиб олган WhatsApp тестерлари бевосита шу мессенжернинг ўзидан туриб Messenger Rooms гуруҳли видеокўнғироқларини яратишлари ва унга суҳбатдошларни таклиф этишлари мумкин.

WhatsAppнинг ушбу имкониятидан ҳозирча АҚШ ва бошқа айрим мамлакатлардаги юзерлар фойдалана олишади. Унинг барқарор талқинига Messenger Rooms кейинроқ расман ва тўлиқ қўшилади.



## ЎПКА ЗАРАРЛАНИШИНИНГ ИЛК АЛОМАТЛАРИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Россиялик шифокор-пульмонолог Сергей Пуряев "Говорит Москва" радиосига берган интервьюсида зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш талаб этиладиган ўпка зарарланишининг илк аломатлари ҳақида гапирди.

Унинг сўзларига кўра, айниқса, нафас сиқиши, йўтал, иситма ва балғам кўчишига алоҳида аҳамият бериш керак.

Шифокорнинг таъкидлашича, ҳатто, ўпка касалликларига сурункали нафас сиқилишидан қийналаётган одамлар ҳам соғлиги ёмонлашаётганини дарров пайқашади. "Улар нафаси сиқаётганини бошқа ҳолатлардан яхши ажратади. Агар у узоқ йиллар, дегилик, жисмоний юклама пайтида бўлган бўлса, кейин эса бирдан нафаси сиқиши ўзгарса, яъни кучайса, у дарров хавотирга тушади", – дея изоҳлади Пуряев.

Пулмонологнинг фикрича, кўпинча одамлар илк аломатларга эътибор бермайди. Бу эса келгусида даволанишни қийинлаштиради.

## ҲИКМАТ



МЕН ҲАР ДОИМ ЙИРИК ВА МУВАФФАҚИЯТЛИ КОМПАНИЯНИ КЎРГАНИМДА, БИЛАМАНКИ, КИМЛАРДИР ҚАЧОНЛАРДИР КАТТА ТАВАККАЛ ҚИЛГАН. ПИТЕР ДРУКЕР

## СИНОАТ



## Эзотерик: "ҲЕЧ ҚАЧОН ТУНДА КЎЗГУГА ҚАРАМАНГ"

Бу одат зарарли бўлиб, танангизни бошқа олам ва салбий туйғулар қуршаб олиши мумкин, дейди мутахассис

Кўпчилигимиз болалигимизда тунда ёки қоронгу хонада ойнага қараш мумкин эмаслиги ҳақида эшитганмиз. Ушбу тушунчани катталар ёвуз руҳлар, жодугарлар, жинлар ва ёзувликнинг бошқа жиҳатлари билан боғлашган. Аммо эзотерик бу фикрдан йироқ эканлигини айтмоқда.

Мутахассис таъкидлашича, ойна – бу энергия ва аура ўтказувчи бўлиб хизмат қиладиган порталга ўхшаш нарсас, шунингдек, ўзга олам билан "алоқа дарчаси". Йиғлаганда ҳам кўзгуга қарамаслик керак, акс ҳолда салбий энергия акс этади ва икки баравар кўпайиб бутун уйга тарқалади, деб ишонилади.

Тунда инсон энергиясининг тўлиқ янгилаши, унинг ички кучи тикланиши жараёни юз бериб, бу вақтни дам олиш ва ухлаш учун сарфлаш энг яхшидир. Агар сиз бу

мувозанатни бузсангиз ва ойнага қарасангиз, ўзингизни бошқа дунё ва салбий нарсалар билан тўйинтириб қўйишингиз мумкин, бу эса келажақда турли касалликларга, кучсизланишга, сурункали ҳорғинликка ёки уйқусизликка сабаб бўлади.

Шунингдек, эзотерик иммунитетни заиф одамларга ёки тушунарсиз қайғу ва тушкунлик даврида кўзгуга қарашни тавсия қилмайди. Чунки бу вақтда таъсир жуда кучли бўлиши, ижобий энергия эса уларнинг тана кувватини тиклашга ёрдам беролмаслиги мумкин.

Агар бу ҳолат аллақачон рўй берган бўлса, сиз жисмингизни ижобий энергия билан тўлдиришга, қувонч келтирадиган машғулотлар билан шуғулланишга ёки иложи борича кўпроқ дам олишга ҳаракат қилинг. Шундагина кучингиз имкон қадар тезроқ тикланади ва салбий энергиянинг зарари камроқ бўлади.

## ИБРАТ

## ҲАР БИР ҚҮЙ ЎЗ ОЁҒИДАН ОСИЛАДИМИ?

Баҳлул Доно ҳазратлари бозорда, халқ ичида кезиб юрар экан, одамларга панд насиҳат қилар, нотўғри ҳатти-ҳаракатлардан сақланишлари учун уларга танбех беради. Унинг танбехлари баъзи одамларнинг гашига тегарди. Улар Баҳлулдан нозини эдилар.

Бир кун Баҳлулнинг танбехларидан безор бўлган баъзи кишилар унинг устидан шикоят қилиб, халифа Ҳорун ар-Рашид олдига келишди.

– Султоним, бизнинг қилаётган ишларимиздан унга нима зарар бор? Бизни ўз ҳолимизга қўйсин. Бизга панд насиҳат қилмасин. Ҳар бир қуй ўз оёғидан осилади, – дейишди улар.

Халифа бу шикоятларни эшитиб, Баҳлулни ҳузурга чақирди ва одамларнинг истагини унга билдирди. Баҳлул бир оғиз гапирмай саройдан чиқиб кетди. Кейин бозордан бир нечта қуй сотиб олди ва уларни сўйди. Ҳар бир қуйни ўз оёғидан маҳаллаларнинг чорраҳаларига осиб чиқди. Баҳлулнинг бу ишини кўриб турган одамлар:

– Телбадан бошқа нима ҳам қутиш мумкин, доим шунақа галати ишлар қилиб юради, – дейишди.

Бир неча кун ўтгач, осилган қуйлар сасиб, ўзидан бадбўй ҳид тарата бошлади. Бундан маҳалла одамларининг ҳаммаси зарар кўрди. Айниган гўштининг ҳидига чидаб бўлмасди. Одамлар яна халифанинг олдига бориб, шикоят қила бошлашди:

– Эй Амирал мўминин! Баҳлул осган қуйларнинг ҳидидан маҳаллада туриб бўлмайди. Бизни жуда беҳузур қиляпти. Унга айтинг, осган қуйларини олиб ташласин!

Халифа Баҳлулнинг қилган бу ишига қизиқиб, ҳайрон бўлди. Девонани саройга чақиртириб, сабабини сўради.

– Эй Баҳлул, осган қуйларнинг ҳидига одамлар чидолмай, яна сенинг устингдан шикоят қилишяпти. Бу нима қилганинг?

Баҳлул Доно шундай жавоб берди:

– Эй Мўминларнинг амири. Мен нотўғри иш қилганим йўқ. Фақат ҳар бир қуйни ўз оёғидан осдим, холос. Лекин кўряпсизки, ҳар бир қуй ўз оёғидан осилса ҳам атрофидаги ҳамма бундан зарар кўряпти. Бир ёмон ишнинг зарари ҳам фақат ўзига эмас, ҳаммага бўлади. Одамлар буни тушунсин, деб шу ишни қилдим.

Шикоятчилар хатоларини тушуниб, қайтиб Баҳлулнинг танбехларига эътироз билдирмайдиган бўлишди.





# UZTELECOM

*Улуғ ва шарафли касб эгалари бўлмиш  
азиз устозларимизни 1 октябр ~  
Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан  
самимий муқофобод этамиз!*



## Xabar

**МУАССИС:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

**Бош муҳаррир**  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Шухрат СОДИҚОВ** (Ҳайъат раиси), **Назиржон ҲАСАНОВ**,  
**Коммуна ИРИСБЕКОВА**, **Тўлқин ТЕШАБОЕВ**,  
**Лутфилло ТУРСУНОВ** (Бош муҳаррир ўринбосари),  
**Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ** (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиғи мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.  
Баҳоси келишилган нархда.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100000, Тошкент шаҳри,  
Амир Темуր 1-тор кўчаси, 2-уй  
(мўлжал: Олой бозори).  
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,  
факс: 71-234-17-91. E-mail: [info@xabar.uz](mailto:info@xabar.uz)

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: **Аслиддин БҮРИЕВ**.  
Навбатчи: **Солижон ЗОИРОВ**.

ISSN 2010-6424



Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета  
ҳафтанинг  
жума куни  
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босяхонасида chop этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-1057 сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 6 босма табоқ.  
Адади: 3931 нусха.

**ISSN 2010-6424**

Босишга топширилди — 17.00.  
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят  
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззақда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (91)235-88-68 Тошкентда 234-18-59 Урганча (97) 211-65-05 Фарғонада 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99